

ХАМИДЖОН ХОМИДИЙ
МЎМИНЖОН СУЛАЙМОНОВ

МАТОНАТ



ҲАМИДЖОН ҲОМИДИЙ
МУМИНЖОН СУЛАЙМОНОВ

МАТОНАТ

«Kafolat print company»
Тошкент 2022 йил

УЎК: 821.512.133-3

КБК: 84(5Ў)7

Х - 44

Х. Ҳомидий, М. Сулаймонов

Матонат [Матн]: - Тошкент: KAFOLAT PRINT COMPANY, 2022. - 64 б.



ISBN 978-9943- 7962-8-2

© Х. Ҳомидий, М. Сулаймонов, 2022 й.
© «Kafolat print company», 2022 й.

Муқаддима

Натан Муродович Маллаев умри давомида (1922-1996) фақат илмни деб, Олий таълим равнақини кўзлаб, шогирдлар камолини ўйлаб яшади, фаолият кўрсатди. Шундай бўлса ҳам турли йилларда мактаб ва олий даргоҳ талабаларига дарсликлар яратди. Айни пайтда “Абулқосим Фирдавсий”, “Низомий Ганжавий”, “Буюк шоир ва мутафаккир”, “Навоий ва халқ оғзаки ижоди”, “Абдураҳмон Жомий” сингари соҳа донишмандлари эътироф этган асарлар мерос қолдирди. Бундан ташқари устознинг “Ўзбек адабиёти тарихи” (8-синфлар учун) дарслиги, университетларнинг Филология ва педагогика институтларининг “Ўзбек тили ва адабиёти” факультетларининг талабалари учун, кечки мактаблар учун битилган “Ўзбек адабиёти тарихи” (С.Исмамов билан ҳамкорликда) дарслиги ўттиз йил давомида барқарор дарсликлар сифатида қўлланилиб келинган. Устоз томонидан ўрта ва олий мактаблар учун тузилган дарсликлар, яратилган мажмуа-хрестоматиялар давр маорифи тараққиётига улкан ҳисса қўшган. У киши ўнлаб ёшларнинг фан номзоди, доктори бўлишига раҳнамолик қилган.

ЗАҲМАТ МАНЗИЛЛАРИ

Бўлғуси жаҳоний шуҳрат соҳиби Натан Муродович Маллаев 1922 йил Тошкент шаҳрида зиёлий яхудий хонадонида туғилган. Устознинг опалари Лиза Маллаева Чигатойдаги 111-мактабда узок йиллар директор бўлиб ишлаганлари ҳам оиладаги маърифий муҳит мевасидир.

Ўрта мактабни битиргандан сўнг Н.Маллаев Тошкент хотин-кизлар педтехникумида ўқишни давом эттирди. Техникумни тугатгандан кейин у иккинчи жаҳон уруши йилларида Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг Ўзбек тили ва адабиёти факультетида тахсил кўрди. Беш йиллик ўқиш давомида Н.Маллаев замонасининг Абдурахмон Саъдий, Мурод Шамс, Ҳоди Зариф, Мақсуд Шайхзода, Олим Шарафиддинов каби донишмандларидан сабоқ олди. Олий даргоҳда аъло ўқиб, фан тўғракларида фаол қатнашиб юргани учун унга факультет илмий кенгаши қарори билан аспирантурада ўқишини давом эттириш тавсия этилди. Натижада Н.Маллаев уч йил давомида асл кўлёзма манбалар асосида тарихчи ва таржимон, машхур шоир Шермуҳаммад Муниснинг ҳаёти ва ижодий мероси ҳақида илмий иш ёза бошлади. Бу орада бўлажак классик адабиёт донишманди Н.Маллаев Хоразм педагогика инситути ҳамда Тошкент дорилфунуни (ҳозирги Миллий университет)да талабаларга ўзбек адабиёти тарихидан дарс берди. Замонамиз алломаси Шайхзода раҳнамолигида номзодлик диссертациясининг ҳимоясидан (1948 йил) сўнг умрининг охиригача (1996) Н.Маллаев Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика инситутида ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, профессор, кафедра мудрири вазифасини бажарди; аспирант, докторант ва мустақил тадқиқотчиларга раҳнамолик қилди.

Номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган Н.Маллаев таълимий, тарбиявий, маърифий ишлар билан бирга бугун фаолиятини ўрта мактаб ва олий ўқув юртлири учун дастурлар

тузиб, улар асосида хрестоматиялар, дарсликлар яратишга сафарбар этди. Натижада бирин-кетин мажмуалар, 8-синфлар учун “Ўзбек адабиёти тарихи” (1953) дарслиги нашр этилди. Кўплаб мақолалар эълон қилинди.

ЖАСОРАТ

Натижада кенг жамоатчилик олимнинг илмий иқтидорини эътироф этиб, Олий таълим вазирлиги ҳамда “Ўқитувчи” нашриёти доцент Н.Маллаевга энг қадим замонлардан тортиб XVI асргача бўлган давр ўзбек адабиёти ҳақида университетларнинг Филология ҳамда пединститларнинг Ўзбек тили ва адабиёти факультетлари талабалари учун “Ўзбек адабиёти тарихи” дарслигини ёзишни топширишди. Ўша йиллар бу ўта муҳим, жиддий меҳнат талаб этадиган мураккаб вазифа эди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўтган асрнинг 60-йиллари бошларига қадар ўзбек адабиётининг кўп мумтоз намуналари ҳали жиддий ўрганилмаган, тадқиқотлар олиб борилмаган, нашр қилинмаган эди. Улар асосан, қўлёзма хазиналарида сақланарди. Айримлари тошбосма услубида чоп этилганди, холос. Шунинг учун ҳам Н.Маллаев Олий ўқув юрти талабалари учун биринчи бўлиб “Ўзбек адабиёти тарихи” дарслигини ёзишга киришар экан, аксарият асарларни қўлёзмалардан, тошбосма усулидаги нашрлардан ўқиб, араб ёзувидаги даврий нашрлардан саралаб таҳлил қилган. Ўша йиллари Н.Маллаев қизгин ижодий ишлар билан ҳам банд бўлди: бирин-кетин “Туркистон вилоятининг газети” саҳифаларида, “Ғазал жанри тараққиётида Навоийнинг ўрни”, “Мажолис ун-нафоис”, “Шарқ тазкиранавислигида янги босқич” сингари ўнлаб мақолалар эълон қилинди, соҳа донишмандлари назаридан ўтказиб борилди. Улардаги далил, фикр-мулоҳазалар мутлақо янги эди.

Ана шу жараёнда олим ўзида катта матншунос, манбашунослик салоҳияти борлигини намойиш қилди. Зероки, дарсликда таҳлилга жалб этилган “Қутадғу билиг”, “Ҳибат ул-

ҳақойик”, “Қисаси Рабғузӣ”, Лутфий шеърятидан, Пошшаҳўжа ҳикоятларидан, “Бобурнома”, “Шайбонийнома” лардан олинган намуна ва парчалар бенуқсон кўчирилган. Дастур доирасида сайлаб олинган асарлар мавзу, сюжет, ғоявий йўналиш, образлар силсиласи, энг муҳими, адиб ва шоирларнинг санъаткорлик маҳорати нуктаи назаридан зукколик билан мукаммал таҳлил қилинган, зарур илмий хулосаларга келинган, “Девони Фоний”дан айрим ғазаллар илмда илк бора мукаммал таҳлил қилинган. 70-йиллардаги навоийхонликнинг бирида академик Иззат Султон Фонийнинг “Оламе хоҳамки нобувад...” деб бошланадиган ғазалининг томм маънодаги филологик таҳлили Маллаев қаламига мансуб, деган эдилар.

Бу китоб бошқа дарсликлар сингари мавжуд тадқиқотлардаги далилларни дастур талабидан келиб чиқиб бир тизимда баён этиб бериш хусусияти билан бирга, жиддий амалий, илмий, назарий аҳамиятга ҳам молик эди. Чунки дарсликда олим мумтоз адабиётимизнинг кўп намуналарини илк бора таҳлилини бериб, зарур илмий хулосалар чиқарди. Ўзбек адабиётининг катта даври ҳақида бундай китоб ўша йиллари чинакам жасорат эди. Асарнинг ана шу мутлақо янги илмий жиҳатларини ҳисобга олиб, олимнинг кенг феъл, ҳолис ҳамкасблари уни докторлик диссертацияси сифатида расмийлаштиришни таклиф этишди. Ўзбекистон Фанлар академияси ҳузуридаги Тарих, фалсафа, тил, адабиёт, шарқшунослик фанлари бўйича докторлик илмий даражасини берадиган ихтисослик кенгаш йиғилишида бўлиб ўтган ҳимояда машҳур ёзувчи Ойбек, филология фанлари докторлари Ҳамид Ораслий, Эсмағамбет Исмоилов, фалсафа фанлари доктори Воҳид Зоҳидов ва бошқалар мазкур ишнинг илмий қийматини юқори баҳолаб, филология фанлар доктори деган даражани берса арзигулик тадқиқот эканлигини айтиб, эътироф этдилар. Натижада кенгаш аъзолари бу фикрни юз фоиз овоз билан тасдиқладилар. Аммо айрим ғаламис, норавобин касбдошларнинг хатлари туфайли юксак жасорат намунаси сифатида майдонга келган бу тадқиқотнинг қадрига Москва етмади. Аммо китоб кенг илм-адаб аҳли назарида бўлди. У ҳақда

даврий нашрларда ижобий тақризлар эълон қилинди. Қайси бир йиғинда филология фанлари доктори, профессор Бегали Қосимов “Якин ўттиз йил давомида адабиётшуносларнинг бутун бир авлоди Маллаев дарсликларида сабоқ олиб вояга етди” деган эди. Бу фикр “Ўзбек адабиёти тарихи”нинг маърифий, амалий қийматини кўрсатади.

МАТОНАТ

Бу ногаҳоний зарба метиндек иродали Натан Маллаевнинг руҳиятини асло сўндира олмади. У шу соҳа одами эканлигини, адабиёт илми учун яратилганлигини, қачондир ҳақ ўз ўрнида қарор топиши муқаррарлигини туйғандек, шиддат билан ижод оғушига ғарқ бўлди: яна дастхатларни варақлаб, манбаларни жиддий титкилаш, тошбосма қиссаларни кўздан кечиришни изчил давом эттирди.

Маълумки, Н.Маллаев ўрта мактаб ва олий ўқув юртлари учун дарслик яратиш жараёнида мумтоз адабиёт ва фольклор муаммосига жиддий эътибор бериб юрарди. Ҳатто Навоий ва халқ оғзаки ижоди, Бобур асарларида фольклор анъанасини кўзгаб юрарди. Навоий дostonларининг халқ вариантларининг тошбосма нусхаларини ўқиб юрганини гувоҳи бўлганмиз. Энди устоз ана шу кўнгил тубидаги ниятни амалга оширишга киришиб, илмда мутлақо янги – Навоий ва халқ оғзаки ижоди муаммосини изчил ўрганишга киришди. Бу орада кечки мактаблар учун “Ўзбек адабиёти тарихи” (С.Исмамов билан ҳамкорликда) дарслиги нашр этилди. 1965 йили Навоий таваллудининг 525 йиллиги муносабати билан республика телевидениясида Олий ўқув юртлари талабалари ўртасида Навоий ижоди бўйича мушоира ўтказилди. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институту талабалари бу танловда биринчи ўринни эгаллашди. Мушоирада, айниқса, талабалардан Файзуллахон Набиев, Шукур Дадашев, Қўлдош Эргашев сингари ўнлаб ёшлар фаоллик кўрсатгандилар. Бу улкан ғалабада доцент Н.Маллаевнинг ўрни бекиёс эди. Ўша йиллари институтда Н.Маллаев асос солган

анъанавий илмий тўпламга айланган “Навоийга армуғон”нинг биринчи китоби нашр этилди. Унда ўзбек олимлари билан бирга кўшни-қардош халқларнинг атоқли олимлари ҳам долзарб мавзулардаги мақолалари билан қатнашдилар.

Аммо олимнинг фикр-у зикрини Навоий ва халқ оғзаки ижоди муаммоси банд қилганди. Натижада адиб асарларига халқ оғзаки ижодининг нечоғлик таъсир этганини, “Хамса” дostonлари тимсолларининг халқчиллигини, шоир ҳақидаги ҳикоятларни, дostonларнинг ўзбек халқ оғзаки ижодига кўчиши қонуниятларини ўрганди; XVII аср адиби Умар Бокий томонидан қайта яратилган “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”ларни ўрганиб, Навоий меросининг туркман халқи маънавий дунёсига кириб боришини кузатди. Натижада шу мавзуга доир кўп маърузалар қилинди, ўнлаб мақолалар ёзилди. “Из вечногo родника”, “Навоий ва халқ оғзаки ижоди” (1979) номли мутлақо янги монографиялари битилди.

“Навоий ва халқ оғзаки ижоди” фундаментал тадқиқоти ўзбек адабиётшунослигидагина эмас, умуман, классик адабиёт ва халқ оғзаки ижоди тизимида фавқулodда бир ҳодиса бўлди. Зеро, тўрт боб ва бир неча ички фасллардан иборат ушбу асарни Н.Маллаев, бир томондан, форсий ва туркий тилдаги Шарқ кўлёзма манбалари, оғзаки ижод неъматларига суянган, асосланган, устозлари, касбдошларининг бу соҳадаги ишларини эътобордан соқит этмаган ҳолда Навоийнинг “Хамса”сини яратишда араб, форс, туркий халқларнинг энг кўҳна асотирлари, шифоҳий адабиётидан нечоғлик баҳраманд бўлганини кенг камровли назарий муаммосининг асосларини яратган. Масалан, шоирнинг Фарҳод, Баҳром, Искандар образларини яратишда ўнлаб энг қадимий ёдномалар, хрониклар, ҳагто “Авесто”дек ноёб сарчашмалардан қай йўсинда баҳраманд бўлганлиги аниқ далиллар билан қайд этилган. Буни “Хамса”нинг бир неча ўрнида турли муносабатлар билан Зардўш номининг зикри ҳам тасдиқлаб турибди.

Иккинчидан эса, “Ҳазойин ул-маоний”даги асарларда оғзаки ижод анъаналари, хусусан, ғазаллар поэтикасида мақол, матал,

биризма, ҳикматли сўз, халқ удумлари, топонимика, этнология, атама, деталларнинг ўрни юзлаб далилларни устамонлик билан таҳлили орқали асослаб кўрсатилган, янги назарий, илмий фикрлар изҳор этилган. Бундан ташқари, туркман, ўзбек халқ ҳикоятларида Навоий образи, халқ дostonлари, эртакларида Навоий дostonлари сюжетларининг маҳаллийлашишига бағишланган фасллар ҳам далилларнинг асослилиги билан илмдаги бир янгиликдир. Навоий ҳақидаги афсона ва ҳикоятлар ҳам илк бор тўшланиб, тизимли таҳлил этилди. Алқисса, устознинг ўша йиллари Умар Боқий томонидан яратилган “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” халқ қиссалари ҳақидаги мулоҳазалари илмда улкан кашфиётлар сифатида баҳоланди. Ўша йиллари Н.Маллаев “профессор” ҳамда “Ўзбекистонада хизмат кўрсатган фан арбоби” унвонларини олишга муяссар бўлганди.

Шундан сўнг муаллиф “Навоий ва ўзбек халқ китоблари” муаммосини кўзгаб, илмда янги, ғоятда долзарб муаммони илм-адаб аҳли эътиборига ҳавола қилган. “Нусхаи “Хамса”и беназир” сингари манбалар ҳақида илк бор маълумот берган. Кейин эса XVIII асрда яшаган ўзбек ёзувчиси Умар Боқийнинг ҳаёти ва ижодий мероси илмда дафъатан таҳлил қилинган. Зероки, Умар Боқий Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” дostonларининг, шу номдаги халқ китоби вариантларини яратган бўлса-да, у адабиётшуносликда ханузгача ўрганилиб, ўз баҳосини олмаган эди.

Устоз назм ва насрда қайта яратилган ҳар икки асарнинг мазмуни, образлар тизими, Навоий дostonларига қай жиҳатдан мутаносиблиги-ю тафовутларини қиёсий-типологик усулда жиддий тадқиқ этиб, умумлаштирган. Энг муҳими шундаки, мунаққид Умар Боқийнинг санъаткорлик маҳорати, мазкур китобларнинг мутлақо ўзига хос жиҳатлари, энг завқли лавҳаларни қиёсий таҳлил қилиб, асослаб кўрсатган. Ўзбек халқ китобларнинг тили, услуби ҳақида илмий-назарий хулосалар изҳор қилинган. Кейинчалик иқтидорли олима Озода Тожибоева олим анъанасини давом эттириб, “Насри Хамса”и беназир” ҳақида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди, алоҳида

монография нашр этди. Кўп ўтмай “Тамаддун” нашриёти “Насри Хамса”и беназир” матнини тўла чоп этди. Бу нашр ношири ҳам О.Тожибоева бўлиб, фандаги бир янгилик ҳисобланади.

Оқибат, натижада ҳақиқат қарор топди. Бир неча йил матонат билан чекилган ижодий меҳнат самараси сифатида. 1978 йил Н.Маллаев Ўзбекистон Фанлар академияси ҳузуридаги ихтисослашган илмий кенгаш мажлисида “Навоий ва халқ оғзаки ижоди” деган мутлақо янги мавзуда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Расмий оппонентлар ва норасмий сўзга чиққан олимлар тадқиқотни юксак баҳолаб, бу илмий иш туфайли ўзбек адабиётшунослигида янги йўналиш очилганлигини бир овоздан қайд этдилар. Ҳақиқатдан ҳам, кейинчалик Н.Маллаевнинг шогирдларидан Б.Мамедов “Бобур ва фольклор” мавзусида номзодлик, Ғаффор Мўминов эса “Ҳозирги ўзбек адабиётида халқ оғзаки ижоди” мавзусида докторлик диссертацияларини ёзишди; “Лутфий ва халқ оғзаки ижоди”, “Огаҳий ижодида фольклор” сингари бир қанча мавзулар тадқиқ этилди. Демак, устоз анъанаси давом этмоқда.

ҲОСИЛАЛИ ЙИЛЛАР

Илмий ижоддаги бу удқан-ютук профессор Н.Маллаевга янги куч, ғайрат бағишлади. У навоийшуносликнинг муайян кирраларини, қардош халқлар адабиётининг буюк сиймолари Рудакий, Носир Ҳусрав, Низомий, Жомий ижодини ўрганиш, таржима қилиш билан жиддий шуғулланди. Маълумки, ўтган асрнинг ўрталарига қадар Навоий ҳақида илмий-оммабоп моҳиятдаги атоқли олим ва адиб Т.Жалоловнинг “Ҳамса талқинлари”, О.Шарафиддиновнинг “Алишер Навоий” китоблари бор эди, холос. Филология фанлар доктори, профессор Н.Маллаев ана шу силсилада бир неча йиллик тажрибалари маҳсули сифатида “Буюк шоир ва мутафаккир” рисоласини яратди. Китоб ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида чоп этилди. Асарда Навоий ҳаёт йўлини, бадий, илмий, диний-фалсафий ижодини тўла қамраб яхлит тарзда содда, илмий равион усулда баён этган, ғоятда ибратомуз тарбиявий хулосаланган. Шундан сўнг муаллиф умрининг охиригача Навоий ижоди хусусида “Навоий ижодининг халқчил негизи”, “Асрлар эътирофи ва таъзими”, “Сўз санъатининг гултожи” рисоаларини, “Навоий лирика” қўлланмасини яратди. Буларнинг ҳар бири кенг илм-адаб аҳли томонидан эътироф этилган, ҳаёт имтиҳонидан ўтган китоблардир.

Профессор Н.Маллаев томм маънодаги қардош халқлар адабиётининг билимдони, фидойи тадқиқотчиси ҳам эди. Зероки, устознинг ижодий бисотиға қарасангиз Рудакий, Фирдавсий, Низомий, Маҳдумқули, Жомий, Абай сингари қўшни-қариндош халқлар адабиётининг буюклари ҳақида қўллаб мақолалар, китобларнинг алоҳида боблари, рисоаларга, ўзга тиллардан ўзбек тилига қилинган таржималарга назарингиз тушиб, олим қамровининг кенглигидан ҳайратланасиз.

Маълумки, жаҳон шеървати буюкларидан бўлмиш Фирдавсийнинг ҳаёти ва безавол “Шоҳнома” ўтган асрнинг 50-йилларига қадар рус олимлари томонидан ўрганилган. Ўзбек

адабиётшунослигида эса Фирдавсий ҳақида устоз Айний, А.Фитратнинг 30-йилларда эълон қилинган икки мақоласидан бўлак махсус рисола мавжуд эмасди. Ана шуларни ҳисобга олган олим, бир томондан, буюк устозлар ижодидан баҳраманад бўлиб, иккинчи томондан эса, тошбосма манбалардан фойдаланиб, “Абулқосим Фирдавсий ва унинг “Шоҳнома”си ҳақида” деган тадқиқот яратиб, “X-XII асрлар адабиёти” рисоласига киритди. Ушбу мақола “Ўзбек адабиёти тарихи” дарслигининг биринчи нашридан ҳам алоҳида бўлим сифатида жой олганди.

Ўша йиллари Ш.Шомухаммедовнинг “Форс-тожик адабиёти классиклари”, “Форс-тожик адабиёти классиклари ижодида гуманизм” сингари монографиялари хали нашр этилмаганди. Устоз ана шу ёзувларни тўлдириб, кенгайтириб, “Абулқосим Фирдавсий” (1962) рисоласини яратди. Ушбу китоб икки жиҳати билан ғоятда қадрлидир. Биринчидан, муаллиф “Шоҳнома”нинг сюжети, тузилиши, ранг-баранг образлар галереясини батафсил, анча тадрижий таҳлил қилиб, уни дунё эпик шеърятининг гултожи эканлигини асослаб кўрсатган. Зероки, “Илиада”, “Одессия”, “Калевала”, “Рамаяна” сингари эпослар ҳам унга тенглаша олмайди. Рисолани мутолаа қилган китобхон Фирдавсийнинг “Шоҳнома”си ҳақида тугал тасаввурга эга бўлади. Иккинчидан, эса, “Шоҳнома”нинг туркий халқлар ёзув адабиётига таъсири, асар сюжетининг халқ эртаклари, дostonлари-ю халқ китобларига кириб боришини кенг ёритишга ҳаракат қилган. Натижада “Рустам”, “Золи Зар”, “Искандар” сингари бир қанча эртакларда, “Рустамхон” дostonи, “Китоби подшоҳ Афросёб”, “Китоби подшоҳ Жамшид”, “Қиссайи Суёвуш” “Қиссан Дороби Заринкамар” сингари ўзбек халқ китобларида бевосита Фирдавсий дostonларининг сюжети, руҳи мавжудлигини асослаб кўрсатишга муваффақ бўлган. Ана шу жараёнда муаллиф “Шоҳнома”нинг Нурмухаммад Бухорий (XVI аср), Шох Ҳижрон (XVIII аср), Хомуший (XIX аср), Очилди Мурод Мирий (XIX аср)лар томонидан назм ва насрда таржима қилинганлигини аниқлаган ва илк дафъа маълумотлар келтирилган. Ҳатто Хомушийнинг “Шоҳномаи” туркийси

тошбосма усулида (1903-1906-1909) чоп этилганлигини лўнда тарзда кўрсатиб ўтган. Кейинчалик устознинг бевосита раҳнамоликларида шогирдлари “Фирдавсий ва ўзбек адабиёти” мавзусида у кишининг анъаналарини давом эттириб, докторлик диссертациясини яратди.

Профессор Н.Маллаев Шарқ халклари адабиётида, хусусан, хамсанависликдаги анъанавий образлар илдинини, уларнинг шаклланиш жараёнларини аниқлашда Низомий даҳосига кўп мурожаат қиларди. Ҳатто ўтган асрнинг 60-йилларида олий ўқув юртлари талабалари учун дарсликда Қутб Хоразмийнинг ҳаёти ва ижодини ёзишда “Низомий ва Қутб” деган алоҳида мақола ёзган ана шу узоқ йиллик кузатишлар, риёзатли меҳнатлар ҳосиласи сифатида “Низомий Ганжавий мероси ва унинг маърифий-тарбиявий аҳамияти” (1985) рисоласи дунёга келди.

Маълумки, Низомийнинг “Панж ганж”и ўтмишда аслиятида ҳам, таржималари орқали ҳам ўзбек халқи орасида машҳур ва манзур бўлган. Ҳатто асарнинг дostonлари XIV асрдanoқ форсийдан туркий тилларга таржима қилина бошлаган Қутб Хоразмий “Хусрав ва Ширин”и, Ҳайдар Хоразмий эса “Махзан ул-асрор”ни “Гулшан ул-асрор” номи билан ўзбек тилига ўттирган. Шунинг учун ҳам замонавий ўзбек китобхониға Низомий ҳаёти ва меросини мукамалроқ етказиш эҳтиёжи бор эди. Асли Низомий ижодига қизиқиб, уни тугал ўрганишға интилиб юрган Маллаев ушбу рисоласи билан илмимиздаги, маънавий-маърифий ҳаётимиздаги ана шу кемтикликни тўлдирди.

Беш бўлимдан иборат бу китобнинг маърифий, тарбиявий аҳамияти шундан иборатки, устоз ўзбек адабиётшунослигида илк бора буюк озар шоирининг нисбатан мукамал таржиман ҳолини яратдилар. Китобхон ундан “Низомий ким?” деган саволға тўлиқ жавоб топа олади; шоир шеърятининг қўллаш жанр табиати, мавзу доираси, ғоявий йўналиши билан ошно бўлади, бадийяти сеҳри ҳақида муайян даражада тасаввур ҳосил қилади, илм касб этади, маърифат олади.

Шундан сўнг олим “Панж ганж” – “Хамса”ға қирган олтига дostonни тадрижий такомилда таҳлил қилган. Низомий

“Хамса”сининг бешинчи достони — “Искандарнома” — “Иқболнома”, “Шарафнома” достонларидан иборат. Ҳар бир достонни алоҳида бобларда, ички фаслларга бўлган ҳолда таҳлилига киришар экан, муаллиф асарда тасвирланган мавзунинг аслини аниқлашга интилади: сюжет, композиция, образлар силсиласи, уларга юклатилган адибнинг ғоявий нияти, унинг поэтик ифодаси, анализига ўтади. Шундай қилиб, Лайли, Фарҳод, Дилором ҳақидаги ва бошқа бир неча сюжетлар Шарк эпик шеърнатида анъанавий образлар даражасига етганлигини, тадрижий такомилланиб борганлигини илмий назарий жиҳатдан асослаб кўрсатиб бера олган. Энг муҳими, мусаяниф китоб номи талабидан келиб чиқиб ҳар бир достонни синчиклаб ғоявий ва бадиий хусусиятларини кўрсатишга интилган, уларда ифода этилган таълим-тарбиявий, ахлокий фикрлар, Низомий пандномалари анализини эътиборда саклайди. Натижада буюк мутафаккирнинг

*Куним кундан-кунга бўлсин десанг хуш,
Илм пайдидан бўл борида эс-хуш.
Тизиму йўқ бўлиш бу ғифоқдондир,
Ғалаба доимо ғиттифоқдондир.
Дехқон деб ўйлама ҳар ким сепса дон,
Донидан дон унса ўшадир деҳқон.
Яхшилик кўзловчи бўйнига зинҳор,
Кўнгли тортма бўлса ҳалки гуноҳкор.
Сабрни ўзингга айла-ю шиор,
Ва сабр йўлида тургин барқарор.
Тўғри юргани учун ўқ ўз йўлида,
Эъзоз топди кўргил шаҳлар қўлида.*

сингари юзлаб байтлари талқинига алоҳида эътибор берилган, уларнинг туб маърифий моҳияти кенг шарҳланган. Китоб хотимасида устоз “Низомий ва ўзбек адабиёти” муаммосини кўзгаб, шоир асарларининг ўзбекча таржималари ҳақида маълумот берган. Кейинчалик шарқшунос Н.Ғанихонов “Хусрав

ва Ширин” таржимаси хусусида номзодлик диссертациясини химоя қилиб, алоҳида рисола чоп эттирди.

Профессор Н.Маллаев форсий тилдаги адабиётнинг у ёки бу намоянаси ижодини таҳлиliga қиришар экан, танланган матн ёки манбани ўз таржимаси ёки тахтулафзий тадбилида берган. Биз устознинг ўзи тузган хрестоматия учун “Баҳористон”дан бир неча бобни ўгирганлигининг гувоҳи бўлганмиз. Бугина эмас, Н.Маллаев ҳозирги тожик адабиётининг асосчиси, ўзбек адабиёти ривожига улкан ҳисса қўшган, буюк аллома Садриддин Айнийнинг “Қисқача таржимаи ҳолим” асарини, атоқли адиб Сатим Улуғзоданинг “Рудакий” драмасини ўзбек тилига таржима қилган. Айнийнинг асари бир неча бор нашр қилинган.

Кенг қамровли олим ҳамкасблари, шогирдларининг монографиялари, диссертация-ю дарсликларини таҳрир қилар, олимча-ю қўшимчалар қиритар, қомусларга мақолалар ёзар эди. Халққа маърифат улашиш йўлида турдош фан олимлари билан доимий ҳамкорликда бўларди. Биз устозни озар фарзанди Ҳамид Ораслий, машҳур шарқшунос Эсмағамбет Исмоилов, файласуф академик Эркин Юсупов, тарихчи академик Яҳё Ғуломовлар билан доимий ижодий ҳамкорликда бўлганликларининг гувоҳимиз. Ўтган асрнинг 70-йилларида Ўзбекистон Фанлар академиясининг тарих институти олимлари олти жилддан иборат “Ўзбекистон тарихи”ни яратишган эди. Ана шу фундаментал асарнинг 1-2-3-жилдларидаги “Маданий ва адабий ҳаёт” бобларини Яҳё Ғуломов таклифига мувофиқ профессор Н.Маллаев ёзган эди. Академик Воҳид Абдуллаев томонидан Олий ўқув юрти талабалари учун ёзилган “Ўзбек адабиёти тарихи” (2-қитоб)нинг ҳам масъул муҳаррири Н.Маллаевдир. Шунингдек Н.Маллаев Навоийнинг 15 томлик Танланган асарларини нашрга тайёрлашда иштирок этган, айрим жилдларга сўз боши ёзган. Бундан ташқари у киши Шайхзоданинг етти жилдлик асарларини чоп эттиришда ҳам фидойилик кўрсатган.

Айни пайтда Н.Маллаев иқтидорли ёшларнинг беминат раҳнамоси эдилар. Ўзбекистон Фанлар академияси ҳамда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети қошидаги

Илмий кенгашнинг аъзоси бўлган профессор Н.Маллаев кўплаб номзодлик ва докторлик диссертацияларига раҳнамолик қилган. Устознинг бевосита раҳбарлигида йигирмадан ортиқ ўзбек, рус, татар, тожик, козоқ, украин, қирғиз йигит-қизлари номзодлик ва докторлик диссертацияларини ҳимоя қилиб, ҳозир Олий таълим тизими ҳамда илмий даргоҳларда раҳномолари қаламини ерда қолдирмай ишлаб юрибдилар. Ўтган йили “Мумтоз сўз” нашриёти “Натан Маллаев архивининг каталогини” нашр этди. Китобни варақлаб кўрсангиз устознинг ҳали эълои қилинмаган мақолалари, хотиралари, алоҳида рисола ва монографиялар мавжуд. Жумладан, улар орасида “Навоий ва Жомий”, “Абдураҳмон Жомий”, “Алишер Навоий — адабиётшунос”, “Навоий ва антик дунё”, “Ҳаёт сабоқлари”, “Аср нидоси” сингари монография ва рисоалар сақланмоқда. Демак, булар ўз нашр ва тадқиқотчиларини қутмоқда.

МЕҲРИБОНЛИК


Устозимиз Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби профессор, филология фанлари доктори Натан Муродович Маллаев билан биринчи учрашувимизни яхши эслайман. Биринчи босқич талабаларининг ўқишга қабул қилингани муносабати билан уюштирилган тадбирда факультетнинг Мазлума Аскарова, Қудрат Аҳмедов, Белгивой Мирзааҳмедов сингари бир неча профессор-ўқитувчилари қатори Натан Муродович Маллаев ҳам таништирилди. Домла ўзларига хос ним табассум билан ўриларидан туриб таъзим қилиб қўйдилар. Ҳаяжонли дамлар эди, кўпчилик эътибор бермагандек туюлди менга. Чунки мактабда ўқиганимизда 8-синф “Ватан адабиёти тарихи” дарслигининг муаллифларида бири айнан Н. Маллаев деб ёзилган эди. Фамилияларига унчалик эътибор бермаган бўлсак-да, исмлари ғалати эди: Натан. Нега бундай? Бу ҳақда мақоламиз ниҳоясида фикр билдирамиз.

Иккинчи учрашувимиз ҳам биринчи босқичда ўқиётганимизда бўлди. Жадвал бўйича қайсидир фандан маъруза

бўлиши керак эди. Аудиторияга Маллаев домла кириб келдилар ва устозимиз узрли сабабга кўра кела олмаганлигини, ўзлари биз билан суҳбатлашмоқчи эканликларини айтдилар. Домла салмоқли охангда ўзбек адабиёти тарихи ҳақида кизиқарли фикрларни айтиш билан бирга ўзларининг ижод намуналаридан ўкиб бердилар. Адашмасам, бу машқлар арузда битилган бўлиб, ғазал жанрида эди. Эсимда қолганлари шундаки, сочларнинг қораси авроқ – вароқлар ичида қолиб кетди, деган мисралар эди. Кейинчалик ҳам кўп шеърларини эшитганман. Аксарияти арабча сўзлар ўзагидан ясалаган сўзлар ҳақидаги шеърлар эди. Умуман, Маллаев илҳом келганда, шеърлар ёзиб юрганлар, имконияти бўлган суҳбатларда давradoшларга ўкиб берардилар, аммо бу машқлар алоҳида эълон қилинмади. Кейинроқ домланинг Давлат адабиёт музейида сақланаётган қўлёзмалари таркибида ҳам учратмадим. Буларни ёзишимдан мақсад ҳам шундай машқлардан хабардор бўлганлар, ёзиб олганлар ўз муносабатларини билдирадиларми, деган умиддаман.

Маллевнинг шогирдларидан бири фидойи устозимиз Муҳаббат Аҳмадбоева ҳамсабоқларимиз орасидан ёш олимпиадачиларни аниклаш учун эркин мазуда иншо ёзишни топширдилар. Наврўз айёми чоғида кишлоғимиз табиати ҳақида иншо ёздим. Бир куни бугун босқич талабалари ўртасида яхши ёзилган ишлар қаторида шу иншони ҳам роса мактаб, ўкиб беришни илтимос қилиб қолсалар бўладими. Бунини кутмаган эдим, иймандим, жуда ҳаяжонланиб кетдим. Шаддод қизлардан бири шартга ўртага чиқиб ўкиб ташлади. Мен қандай ўтирганимни ҳам билмадим. Жуда ўзимга эрк берган эдим, иншомас, лирик катра бўлиб кетган экан.

Муҳаббат опа кафедрада ҳам мактабгапирган бўлсалар керак, домланинг шогирди Бухор Мамедов тўғаракка жалб қилдилар. Алишер Навоий ғазалларини ифодали ўқиш, шонр байтлари асосида баҳру байт ёдлашга киришдик. Тўғарак аъзолари турли мавзуларда маърузалар тайёрлашга киришдилар. Мен Маллаев домла раҳбарлигида Зайниддин Махмуд Восифийнинг яқинида



чоғ этилган “Бадоеъ ул-вақоеъ” асарида Алишер Навоий сиймоси мавзусида маъруза ёзадиган бўлдим. Домла билан учрашганда устознинг салобати босиб, кўп нарсаларини сўрай олмас эдим. Лекин ҳамма фикрларини диққат билан тинглардим ва ҳар сафар олам-олам таассуротларга эга бўлар эдим. Айнан шу мавзудаги маърузам билан Самарқандда бўлиб ўтган иқтидорли талабаларнинг анъанавий Республика конференциясида иштирок этдим.

Учинчи босқични якунлаётган пайтимизда диплом иши ёзадиган талабалар аниқланди. Мен Маллаев домла раҳбарлигида “Ҳофиз Хоразмий ижодида кичик лирик жанрлар” мавзусида тадқиқот олиб борадиган бўлдим. Домла ширали овозда салмоқлаб: Ҳофизнинг девонини Ҳамид Сулаймонов Ҳиндистондан топиб, олиб келган ва нашрга тайёрлаган эди, энди уни кичик Мўминжон Сулаймонов тадқиқ қилсин. Катта Сулаймонов бошлаган ишни кичик Сулаймонов давом эттирди. Устоз – шогирдлик анъанаси фамилиядошлик асосида давом этсин, - дедилар, ярим ҳазил, ярим чин билан. Бу менга мисоли устознинг оқ фотиҳасидек туюлди. Дарҳақиқат, адашмаган эканман, диплом ишимни аъло баҳога химоя қилдим, кейинчалик шу мавзунини давом эттириб, Маллаев илмий раҳбарлигида 1996 йил “Ҳофиз Хоразмий ва ўзбек лирик шеърятининг ривожини” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳам химоя қилдим.

Устоз жуда камтарин бўлиш билан бирган камгап ҳам эдилар. Кўпроқ ҳамсухбатларини гапиришга ундар, ўзлари тинглашга ҳаракат қилар эдилар. Балки менга шундай туюлгандир. Ҳар ҳолда ҳар гал учрашганимизда, илмий ишлар билан бирга, эринмай оила аъзоларимиз, ҳамкасбларимиз ҳақида сўраб-суриштирар эдилар. Домланинг наманганлик шогирдлари кўп эди, қолаверса, бизнинг қишлоғимизга келганда қариндош-уруғларимиз билан яқиндан танишгандилар. Улар тўғрисида батафсил гапириб берардим. Бу ҳам бежиз эмас экан. Кейинчароқ англаб етдим, тадқиқотчининг ҳамкасблари, оила аъзолари, яқин қариндош-уруғлари билан илиқ муносабатда бўлиши илмий ишини

муваффақиятли якунлашида кагга аҳамиятга эга бўларкан. Уйда тинчи бўлсин йигитнинг, дейди-ку, доно халқимиз. Домла ҳамма шогирдлар ҳаётини, оилавий турмушини қандайлиги билан доимо қизиқиб турганлар. Керак ўринда маънавий ва моддий кўллаб-кквватлашга ҳам ҳаракат қилганлар.

Байрамлар арафасида айрим аспирантлар устозларига қимматбаҳо совғалар сотиб олиш тараддудига тушиб қолардилар. Собик шўролар даврида қимматбаҳо қайим-кечаклар камёб, бунинг устига “шапка”ли бўларди. Домла эса маслаҳат олгани уйларига борганда, ҳар сафар, албатта, турмуш ўртоқлари Саломат опанинг овқатлари тайёр бўлгунча суҳбатни давом эттирар эдилар. Бунинг устига олиб борилган 4 та нондан иккитасини ётоқхонага борганда ейсизлар, деб қайтариб сумкага солиб қўяр эдилар. Бундай меҳмоннавозлик домлага устозлари Мақсуд Шайхзодадан ўтган экан. У кишидан садокатли шогирдлари Ҳамиджон Ҳомидийга ҳам ўтган.

КАРДОШ ХАЛҚЛАР АДАБИЁТИ БИЛИМДОНИ

Маълумки, ўзбек халқи қадимулайёмдан Марказий Осиё, Чин, Кавказ халқлари билан иқтисодий, сиёсий, маънавий-маданий алоқада бўлиб келган. Ана шу жараёнда бу минтақа халқларининг оғзаки ва ёзма бадий ижоди ҳам бир-бирига ўтган, ўзлашган. Натижада шу халқлар адабиётида анъанавий мавзулар, образ ва муштарак сюжетлар вужудга келган. Кенг қамровли олим профессор Натан Муродович Маллаев бадий ижоддаги ана шу қонуниятдан келиб чиқиб, қардош халқлар адабиёти таҳлили ва талқинига ҳам алоҳида эътибор бериб келарди. Агар олим ўтган XX асрнинг 50-йилларида қардош ва қўшни халқлар адабиёти вакиллари ҳақида мухтасар очерклар яратган бўлса, 60-йилларга келиб, муаммога кенгроқ ёндашиб, у ёки бу буюк ижодкор ҳақида махсус рисоалар яратишга киришди. “Абулқосим Фирдавсий” (1962) китоби олимнинг шу йўналишдаги дастлабки жиддий илмий иши бўлди. Гарчи, буюк Фирдавсий ижоди ўша йиллари Садриддин Айний, Абдулҳамид Чўлпон, Абдурауф Фитратлар

III ҳақида махсус китоб битилмаган эди.

Олим ушбу рисолярсини ёзишда, бир томондан, “Лубоб ул албоб”, “Чаҳор мақола”, “Тазкират уш-шуаро” каби биринчи сарчашмаларга суянган бўлса, иккинчи томондан, Е.Э.Бертельс Садриддин Айний, И.С.Брагинский, М.В.Дьяконов, М.Н.Осмонов сингари машҳур шарқшуносларнинг Фирдавсий ҳақидаги тадқиқотларидан файз топган, улар анъанасини ўзига хос тарзда давом эттирган.

Дастлаб рисолада муаллиф Фирдавсийнинг ҳаёти ва фаолиятини анча батафсил ёритган; “Шохнома”нинг ёзилиш сабаби, “Фирдавсий ва Султон Махмуд” муносабатлари ҳақидаги ривоятга атрофлича тўхталган, бу хусусдаги тадқиқотларга анча кенг муносабат билдирган.

Шундан сўнг муаллиф Фирдавсий “Шохнома”ни ёзишда фойдаланган манбаалар таснифига мухтасар тўхталиб, асар таркиби — композицион тузилиши, асотирий, афсонавий, қаҳрамонлик, тарихий қисмларнинг изчил таҳлилини берган, ҳар бир достоннинг мухтасар сюжетини баён этган. Китобнинг “Шохнома” ғоявий мотивлари, юксак идеалларнинг нечоғли бадийликда тасвирланганлиги таҳлилга бағишланган саҳифалари ғоятда марокли битилган. Зероки, олим, “Шохнома”да ўз бадий ифодасини топган ватанпарварлик, халқсеварлик, ижтимоий адолат учун кураш, адолатли шох, марказлашган давлатнинг бутунлигини сақлаш, жангномалар сўнгида келадиган пандномаларни бағоят теран нигоҳ билан кузатган, ибромомуз хулосага келган; “Шохнома”нинг асотирий қисмини ёзишда Фирдавсий “Авесто”га суянганлигини муаллиф аниқ далиллар орқали таъкидлаб ўтган.

Достонлардаги етакчи образлар зиммасига юклатилган ижодий иният талқини, уларнинг закийлик билан қилинган таҳлили ҳам кишида жиддий эътироф туйғуларини уйғотади. Муаллифнинг жаҳон фирдавсийшунослигида эришилган ютуқлар ҳақидаги умумлашма фикрлари ҳам лўнда ҳолда китобхонга илм-маърифат беради, оламжаҳон завқ бағишлайди.

Энг мухими, рисолада устоз “Фирдавсий ва ўзбек адабиёти” муаммосига эътибор қаратиб, адабиётшунослигимизда биринчи бўлиб “Шоҳнома” сюжетларининг ўзбек халқ оғзаки ижоди, ёзма адабиётга кириб келишини асослаб кўрсатган.

Бундан ташқари, профессор Н.М.Маллаев ўтган XX асрнинг 60-йилларидаёқ “Шоҳнома”нинг Хомуший, Нурмухаммад Бухорий, Очилдимурод Мирий томонидан наср ва назмда ўзбек тилига таржима қилиниб, бир неча маротаба кўчирилгани, ҳатто Хомуший таржимаси тошбосма усулида 1903, 1906, 1909 йилларида нашр қилинганлиги ҳақида маълумот берган. Хуллас, “Абулқосим Фирдавсий” рисоласи ўзбек шарқшунослигида илк жиддий тадқиқот бўлган эди, десак муболаға эмас. Зероки, китобда “Шоҳнома” ва туркий халқлар адабиёти деган кенг қамровли долзарб масалага ҳам дахл қилинган эди.

Маълумки, Низомий Ганжавий асарлари ўтмишда аслида ҳам, туркий таржималар орқали ҳам халқимиз орасида машҳур бўлган: Қутб хоразмийдан (14-аср) тортиб, Низомий дostonлари ўзбек тилига кўп маротаба таржима қилинган. Устод Шоислом Шомухамедов шоир лиркасини, Жонибек Субҳон “Иқболнома”ни, серғайрат мугаржим Олимжон Бўриев “Панж ганж”ни ва Жамол Камол бир неча дostonларини ўзбекчага ўгириб, замонамиз китобхонларининг маънавий мулкига айлантиришда. Гарчи, 1943 йили устоз Воҳид Зоҳидовнинг “Дунё адабиётининг ёркин сиймоси” асари нашр этилган бўлса ҳам, ўтган XX асрнинг 80-йилларига қадар Низомий ҳақида яхлит маълумот берадиган китоб йўқ эди. Шунинг учун ҳам Натан Маллаев ўзбек низомийшунослиги берувчи “Низомий Ганжавий мероси ва унинг тарбиявий-маърифий аҳамияти” деб номланган илмий-оммабоп (1989) китобини яратган.

Ушбу рисола олти фаслдан иборат. “Низомийнинг фаолияти ва адабий меросини ўрганиш тарихи” бобида муаллиф шоир биографиясини батафсил ёритган, ўқиш, ўрганиш йиллари, устозларию маслакдошлари, ижодининг илк паллалари хусусидаги илмда қўлга киритилган энг сўнгги маълумотларни келтирган. Шундан сўнг, дунё низомийшунослиги эришган ютуқларни изчил қиёсий таҳлил қилиб, яхлит, лўнда, умумлашма

далилларни баён этган; шоирнинг форсий ва туркий тиллардаги лирик меросидан бизгача сакланиб қолган намуналарнинг мавзу, образлари, ғоявий йўналиши, баднийлиги жиҳатидан таҳлили ҳам анча мароқлидир. Демак, Низомий бадний ижод даргоҳида талантили лирик шоир сифатида кириб келган.

Рисоланинг “Панж ганж” да жамланган олти дoston таҳлилига бағишланган боблари ҳар жиҳатдан мукамал ва ибратлидир. Зероки, муаллиф дастлаб таҳлилга тортилган дoston мавзусининг тарихий келиб чиқиши, образларнинг оғзаки ижоддаги прототип илдизлари, айримларининг тарихий шахслиги, анъанавий ёки оригиналлигини аниқлашга интилган. Сўнгра эса, дostonнинг мухтасар мазмуни зикрини келтирган. Ана шундан сўнг олим китобхонни асар образлар олами билан ижодкор ғоявий ниятидан келиб чиқиб воқиф этиб, юксак ғояларнинг қай даражада бадний инъикос топганлиги билан ошно этади. Пировард натижада, бу асарларнинг нечоғли тарбиявий, таълимий аҳамиятга моликлигини кўрсата билишга муваффақ бўлган, муайян илмий хулосаларга келган.

Шу ўринда муаллиф Низомий ижодининг умумбашарий моҳиятини ҳам алоҳида таъкидлаб кўрсатишга эътибор қаратган, дунё низомийшунослиги ҳақида маълумот берган. Юқорида таъкидланганидек, “Панж ганж” ўзбек ҳалқи орасида аслиятда ҳам, таржималари воситасида ҳам кенг тарқалган, ўзбек хаттотлари маснавийларни қайта-қайта хушнавис қилишган, мусаввирларимиз уларни зийнатлаб, миннаторалар билан сайқал беришган. Қутб “Хусрав ва Ширин”дан тортиб Низомий ижодиётининг ўзбек адабиётига кириб келиши, сюжет ва образларининг анъанага айланиши, умуман “Низомий ва ўзбек адабиёти” мавзусининг муайян қирраларин ёритишни ҳам диққат марказида тутган. Хуллас, рисолаи ўқиган китобхон “Панж ганж”нинг туб моҳияти, ҳар бир дostonнинг мазмуни, образлар силсиласи, баднийлиги хусусида яхлит тасаввур ҳосил қилади. Бу асар академик Воҳид Зоҳидовнинг “Дунё адабиётининг ёрқин сиймоси” китобидан сўнг Низомий Ганжавий ҳақида яратилган энг мукамал рисола ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида навоийшунослигимиз янги ўзанда янада жиддий ривожланмоқда. Шоир асарларининг крил имлосидаги 20 жилдлик ва лотин имлосидаги 10 жилдлик нашри ниҳоясига етди, айрим рисоаларининг янги танқидий матнлари устида иш олиб борилмоқда. Навоий лирикаси, дostonларининг ижтимоий-фалсафий, диний, ирфоний, маърифий, ахлокий, таълимий ва сиёсий жиҳатлари янгича нигоҳ билан яхлит ўрганилмоқда. Натижада буюк шоир ижоди таҳлили бўйича бир неча номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимоя қилинди.

Кейинги йилларда юртимизда Низомий ижодини ўрганиш ва асарларини таржима қилишга алоҳида эътибор берилмоқда: “Ганжалик даҳо”, “Низомий ва ўзбек адабиёти” мажмуалари чоп этилди; академик А.Қаюмов “Панж ганж” ҳақида алоҳида тадқиқотлар яратилган. Серғайрат шоир Олимжон Бўриев шоир “Хамса”сига кирган барча дostonларнинг ўзбек тилига мукамал таржимасини тугатди. Бу асарлар оммавий суратда нашр этилса, ўзбек низомийшунослигини янги босқичга кўтаришига ишончимиз қомил. Демак, “Панж ганж”даги ҳар бир дoston таржимасининг аслият билан қиёсий-типологик таҳлили ўз тадқиқотларини қутмоқда.

Ҳар гал соҳа нуктадонлари Навоий меросининг у ёки бу жиҳатига мурожаат этиб, таҳлил қилишга қиришар эканлар, Н.М.Маллаев асарларини ҳам мамнуният билан эслайдилар, баъзиларига суянадилар ҳам. Демак, улкан устоз, забардаст олими, поктийнат мураббий Натан Муродович Маллаев ўз одамийлиги ва умрбоқий асарлари билан бизга ҳамиша ҳамрозу ҳамдам.

НАТАН МАЛЛАЕВ ҲИКМАТЛАРИ

Устознинг илм эгаллаш, тадқиқотлар олиб бориш ҳақидаги пурмаъно фикрлари кўп эди:

– Талабанинг кутубхонага кириб каталог (кутубхона фондидаги китобларнинг алфавит тартибига асосланган рўйхати ёзилган карточкалар жойланган кутилар) дан адабиётларни қидириши илмий тадқиқотга қараб ташланган биринчи қадамдир.

– Муваффақиятли танланган мавзу оқила аёлга ўхшайди: муаллифни ютуқлар сари олиб боради.

– Диссертациянинг кириш қисми, одатда, хулосадан кейин ёзилса, аниқ ва асосли бўлади.

– Илмий тадқиқот устида мунтазам, яъни режим асосида, ҳар куни бир соат ишлаш ва камида бир саҳифа ёзиш шарт. Шунда аниқ натижага эришилади.

Домланинг ёзма адабиёт ва фольклор алоқаларини тадқиқига бағишланган илмий ишлари туфайли халқимиз урф-одатларини жуда яхши билганлиги, табиий.

– Бемор одамнинг кўзига яхши нарсалар ҳам нуқсонли кўринади.

– Инсоннинг асл ватани туғилган юрти.

– Ҳар қандай инсон ватанига хизмат қилиши лозим.

– Халқимизда ота ўтса, унинг ўрнини тоға босади, деган доно ҳикмат бор.

– Эрдан чиққан қиз ота уйига сиғмаганидек, бўшаб кетган бошлик олдинги идорага қайтиб келса, сиғмас экан.

1990 йил сентябрь ойида Натан Муродович ижодий кечасига наманганлик шогирдлари ҳам бордик. Сўзга чиққанлардан бири Натан Муродович Маллаев яҳудий маллатига мансублигини айтиб, Натан Мордухаевич Малаев деб ёзилиши керак, деди. Домла одатдагидек, ним табасум билан мийингида кулиб қўйдилар. Сухбатларимизнинг бирида кимлардир келиб устозга Исроилга кўчиш, ҳеч бўлмаса, яқин алоқа қилишни таклиф қилганини, Исроилдан ўнлаб хатлар келганлигини, аммо домла бирортсини

очиб ҳам кўрмаганлигини айтиб, шу юртда туғилдик, шу юртда униб-ўсдик, энди ваъда қилинган нималарнидир деб, хориж билан боғланишдан, не маъно, — дедилар.

Устоз Чортоққа санаторийга жуда кўп келиб дам олгандилар. Шундай сафалардан бирида домла билан профессор Одилжон Носировнинг падари бузрукворлари Носирхон махсумни зиёрат қилгани уйларида меҳмон бўлдик.

Нуроний оксоқол Носирхон хожи билан суҳбат жуда кизиқарли давом этди. У киши ниҳоятда хушмуомалалик билан “Натанжон” деб мурожаат қилиб, Маллаев домладан исмлари маъносини сўрадилар. Устоз бу қадимий яхудий тилига мансуб сўздан олинган бўлиб, ўзбекчага ўгирганда “Худойберди” деган маънони англатишини айтиб бердилар.

ХОТИМА

Профессор Н.Маллаев асарлари ҳали ҳануз қимматини йўқотган эмас. “Навоий ва халқ оғзаки ижоди” (2015), “Низомий Ганжавий” (1917), “Буюк шоир ва мутафаккир” (1918) “Ўзбек адабиёти тарихи” (2021) сингари китоблари кўп минг нусхада қайта нашр қилинганлиги буни тасдиқлаб турибди. Устознинг ватанимиз халқ таълими ҳамда олий таълими, илм-фани равнақи йўлидаги хизматлари беқиёс. Уларнинг барини бир мақола доирасида тўлиқ шарҳлаш амри маҳол. “Юрт маорифи ва таълими равнакидаги Маллаевнинг ўрни”, “Маллаев қардош халқлар адабиёти донишманди ва мутаржими”, “Маллаев навоийшунос”, “Маллаев мегодист” сингари масалалар ўз тадқиқотчиларини кутмоқда. Ана шундагина биз муддаога тўла етган бўламиз.

Бир яхудий фарзандининг ўзбек маънавияти, илми, адабиёти учун шу даражада жонқидолик кўрсатиши чинакам матонатдир. Ушбу ёзғичлардан муддао фан арбоби. Натан Муродович Маллаевни китобхонлар оммасига таништириш эди. Бунга эришдик, муддаога етдик. Бу замонамизнинг забардаст олими ҳаёти ва беназир ижоди хусусидаги

тадқиқотлар бардавомдир. Зероки устоз бисотида нашрини кутаётган мақолаю рисоалар бисёр.

Профессор Н.Маллаев асарлари:

Абулқосим Фирдавсий, Т.1962.

Ўзбек адабиёти тарихи, 8-синф учун дарслик, Т.1973.

Ўзбек адабиёти тарихи. Олий ўқув юрти талабалари учун дарслик, Т.1963. Уч мартаба қайта нашр этилган. Бу дарслик 2001 йили Пешоварда форс тилида икки китоб шаклида чоп этилган.

Буюк шоир ва муатафаккир, Т.1965. Ўзбек, рус, қорақалпоқ тилларида.

Навоий ижодининг халқчил негизи, Т.1973.

Навоий ва халқ оғзаки ижоди, Т.1978. 2-нашри Т., 2015 йилда.

Из вечногo родника, Т.1978. 2-нашр Т., 2015 йил.

Низомий Ганжавий мероси ва унинг маърифий-тарбиявий аҳамияти, Т.1985.

Асрлар эътирофи ва тазимият, Т.1991.

Сўз санъатининг гултожи, Т.1992. Бу китоб 2020 йил Афғонистода ҳам чоп этилган.

Абдурахмон Жомий. Қўлёзма

Абдурахмон Жомий ва Навоий. Қўлёзма.

Алишер Навоий – адабиётшунос. Қўлёзма.

Навоий ва антик дунё. Қўлёзма.

Ҳаёт сабоқлари. Қўлёзма.

ТИКАНАКЛИ
ПИЛАПОЯЛАР
(Кечмиш ҳикоятлари)

КИМОШДИ САВДОСИ

Тахминан 1939 йилнинг октябрь ойлари эди. Отам Абдуҳомид Холиқзода ери, боғчаси, ўн икки киши ишлайдиган корхонаси, от-араваси бўлгани, Гулбоғ мавзеида 50 гектар еримиз бўлгани учун мулкдор сифатида кулоқ этилиб, Сибирга сургун қилинган. Маҳаллада “Устаникида кимошди савдоси бўлар экан”, – дув-дув гап тарқалди. Ҳақиқатда ҳам, бир кунни эрталаб уч киши: Аълам Мирзо, Йўлдош Шаббода ҳамда Абдукарим Пансод кириб келиб, қулфлаб-муҳрлаб кетилган хоналарни очиб, барча рўзгор анжомларини: кўрпа-тўшак, ёстиқлар, самовар, чинни косалар, лаганлар, обдаста-ю, чойнак, пиёлаларни 8 метрлик пешайвонга чиқариб, тартиби билан жойлаб чиқишди. Шундан сўнг Аълам Мирзо:

– Тўйларда чой қайнатадиган мис ва кумушранг самовар, дастлабки нархи 20 сўм кимошди, қабилида буюмларни рўйхатга қараб эълон қила бошлади. Хохлаганлар бир танга, икки танга ошириб, Йўлдош Шаббодага пулини бериб олиб чиқиб кета бошлашди. Биз хонавайрон бўляпмиз, қўшнилари бўлса бойнинг мулкини арзон-гаровга хомталаш қилишаётганидан хурсанд олган буюмларини қўлтиклаб олиб чиқиб кетишарди.

Тушга қолмай улкан пешайвондаги рўзгор анжомлари сотиб бўлинди. Ўша пешайвон, мудҳиш воқеалар гувоҳи, ҳозир ҳам савлат тўкиб турибди. Онаси билан уч бирдай фарзандлар қаерда ётади, қандай тирикчилик ўтказади, деган одамнинг ўзи йўқ. Жоҳиллик шу даражага етганди. Тор кўчамизнинг бошидаги бева аёл Йўлдош амма бизни ўз бағрига олиб, бир хонасига жойлаштирди. Бу орада “Меҳнат бирлик” артелининг цех бошлиғи Раҳмонберди тоғам колхоздан ҳовлимизни сотиб олиб, кўчиб келдилар. Ҳозир ўша манзилда тоғаваччам Дадажоннинг болалари яшайди.

ҚИРҒИН

Бу орада Абдулхамид бой туберкулёз бўлиб қолибди, Бишкекка қайтаришибди, деган гап тарқалди. Жоҳилликни қарангки, “Ўз юртига борса, зора ўнгланиб кетса” деб юборилган беморни бу ердагилар бошқа маҳбуслар қатори тамаки баргини теришга жалб этибди. Натижада отам тамакизорда ўзидан кетиб йиқилиб қолибди. Бу ҳақда хабар келгач, тоғам Раҳмонберди бориб от-аравада олиб келдилар. Тоғам бу орада Сойча кўчадан ҳовли сотиб олиб, бизни ўша ерга кўчириб жойлаштирдилар. Қадбаланд отажоним пойкалдаги кўрикчига ўхшаб, чўп бўлиб қолгандилар. Онам олдиларига сурп рўмол ташлаб, ўсиб кетган соч-соколларини тараганларида бўзда бит тўлиб, тимирскиланиб юрар эди.

Кеч кузда ҳовлимизга ўтқазилган пиёзлар баҳорда барра бўлиб ўсди. Эрта баҳорда манзил этагидаги ариқда пиёзларни ювиб, бозорбоп қилиб, боғичлаб-боғичлаб ўтирган ҳолатда отажоним бир ёнга ёнбошлаб ётиб жон бердилар.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилда туманда тарқалган тиф укам Маҳмуджон ҳамда акам Аҳмаджонни олиб кетди. Узоқ ўтмай бу мусибатларга бардош бера олмаган онажоним Роҳатой ҳам оламдан ўтдилар. Мен тоғамнинг қарамоғида қолиб кетдим. Ана шундай оғир шароит бизнинг оиланинг ёстиғини қуритди. Янги манзил ҳам бизга унча хуш ёқмади, шекилли.

ИЛК ТЎКНАШУВ

Тельман номидаги мактабда 7-синфни тугатгач, бизни “Ленин йўли” колхози худудидаги Кўйбешов номидаги 6-мактабга кўчиришди. Энди биз юқори синфларда ўқишни интернатда яшаб давом эттира бошладик. Менинг кроватим ҳаммадан пойгакда — эшик ёнгинасида эди. Кулоқвачча-да! Ўнинчи синфни битириш арафасида устимга ёпиб юрган хитой русумидаги одеялни кимдир ўғирлаб кетди. Мактаб директори мени “Сен кулоқвачча, йўқсил ўзинг сотиб егансан?” деб ҳақоратлаб, мактабнинг битирув

тантанасига ҳам киритмади. Расмимни винеткага тушурмай, отестат бермади. Натижада мен олий ўқув юртларига боролмай ёки бирон ишга жойлашолмай аросатда колдим. Тоғам кўшни Қирғизистоннинг Шокафтар кончилар шаҳарчасига катнайдиған савдогарларга кўшиб кўйдилар. Мен тожирларнинг юкли эшакларини ҳайдаб бориб-келиб юрдим. Кунлардан бир кун сафардан кеч қайтдик.

Тур, чойингни ич, вақт чошгоҳ бўлди, — деб уйғотдилар Шаҳрибону янгам. Нонуштани қилиб, гузарга тушиб, сойнинг улкан кўприги четида оёғимни пастга осилтириб, сувга тушиб кетишдан кўркмай саланглатиб ўтирсам:

— Ҳой, Ҳамидов, бери кел, — деган овоз эшитилди.

“Ялт” этиб рўпарага қарасам, сувга киритиб қурилган “Райҳон” ошхонаси айвонида интернатимизнинг бошлиғи Миша Гейдаров турарди. Негадир у кишининг ҳузурига чопқиллаб бордим.

— Бошқа эскирган, синган ва сотилган ашёлар каторида одеялни ҳам списат қилдириб юбордим, ма аттестатингни ол, илмий бўлим мудиридан олдим — деб сариқ ағдарма этиги кунжидан газетага ўралган аттестатни олиб узатди. Хайрон бўлдим ва “Раҳмат!” дедим-да маҳаллага чопдим. Бир миллатдошим етимни қон қакшатди; озар фарзанди унинг бошини силади. Тоғам уйда эканлар роса хурсанд бўлиб:

— Муродов домлага бор, бирон ишга жойлаб кўйсинлар, — дедилар.

Ўша кунлари мактабимиздаги она тили ва адабиёт ўқитувчимиз район ижроия кўмитасига маъсул котиб этиб тайинланган эдилар. Хузурларига бордим. У киши мени редакцияга юбордилар. Туман “Сталинчи” газетаси идорасига борсам, муҳаррир Раҳим Отажонов бир юзимга, бир қадду бастимга қаради-да:

— Муродов ҳеч нарсасага тушунмайдими дейман. “Бу ер болалар боғчаси эмас” деб ишга олмади. Яна Муродов ҳузурига бориб воқеани айтдим. Устоз телефон гўшагини кўтариб, газета бошлиғига сим кокиб деди:

– Раҳимжон ака! Сизда кассирлик, босмахонада шогирдлик ўринлари бўш. Бир етимни тарбиялаб берсангиз, савоб бўлади-ку! Ёш бола бўлса, сизнинг кўл остингизда тарбияланиб ўсади, улғаяди, – деди-да гўшакни ўрнига қўя туриб:

– Боринг, кассирлик вазифасига ишга олади, – деди.

Бордим. Мухаррир яхши пешвоз олиб, кассир, босмахонада харф терувчи шогирд қилиб ишга қабул қилди. Ёш бола икки вазифада иш бошладим ва тез орада уста харф терувчи бўлиб етишдим. Баъзан газетани саҳифалардим ҳам. Кунлардан бир кун Раҳимжон ака ҳузурига чақириб:

– Кассада олтмиш сўм пул келтириб беринг, – деди.

Мен бошлиқ ҳузуридан чиқиб, бош ҳисобчига унинг фикрини айтдим.

– Раҳбар айтгандан кейин беринг, маош тарқатишда олиб қоласиз, – деди Нина опа Валкова. Мен пулни элтиб бердим.

Маош берилаётганда олтмиш сўмни ушлаб қолсам, муҳарриримиз:

– Мен сендан қачон пул олдим, тухматчисан, – деб бақирди. Воқеани ҳисобчига айтсам, у сардор олдиға кириб:

– Раҳим Отажонович, ахир олтмиш сўмни менинг олдимда олиб кириб берди-ку! Нега бундай қиласиз? Бир етимнинг ҳаққини еманг, – деса:

– Бекорни айтибсан! Икковингни ҳам тухматчи сифатида ишдан бўшатиб юбораман, – деб дўқ урди. Оқибатда икковимиз кассанинг камомадини йил охиригача беш сўмдан тўлаб, беркитдик.

Ана шундай, бир миллатдошим мени қақшатган, рус аёли эса кўмаклашиб, авайлаган.

ҒАМХҶҮРЛИК

Редакцияда жиддий ишладим. Босмахонада харф терардим. Баъзан газетани саҳифалардим. Кўп мақола ёзардим, айрим мақолаларим вилоят, республика газеталарида ҳам эълон қилина бошладди. Бу орада республика олий партия мактабини битирган

Бозор Каримов бош муҳаррир этиб тайинланди. У киши мени астойдил қўллади: масъул котибимиз сурункали касалга йўлққани учун мени котиб этиб тайинлади. Шундай қилиб мен ҳамон икки вазифани бажарар эдим.

Вилоят полиграфия бошқармасининг сардори Отабек Нишонов Косонсойга тез-тез келиб турарди. Мен елиб-югуриб хизмат қилардим, сой бўйидаги чойхоналарда бирга ош ердик. Бир сафар “Наманган ҳақиқати”да чиққан мақоламни мактадилар ҳам.

Бошлиғимиз ана шундай меҳмондорчиликлардан бирида шундай дедилар:

– Ҳамиджон, сиз ўқишга боришингиз керак, журналист бўлишингиз лозим. Мен сизга Тошкент давлат университетининг журналистика факультети учун “лимит” – вилоят учун ўрин ажратиб бераман. Имтиҳонлардан ўтсангиз бўлгани – талабаликка қабул қилинасиз.

Шундай қилиб мен 1955 йилнинг 20 июл куни қўлимда “вилоят лимити” – қоғози билан ўқишга жўнаб кетдим. Устоз Отобой Нишонов “Кириб олсангиз, яхши ўқинг” деб отадай ғамхўрлик қилиб фотиҳа бердилар. У кишининг хушчакчак, очик кўнгил, кенг феълли сиймоси ҳамон кўз ўнгимда.

ТАЛАБА БЎЛДИМ

Қўшним Аҳмаджон ака Тошхўжаев (Аллоҳ охиратини обод қилган бўлсин) Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш институтида ўқирди. Мен тўғри институтнинг собиқ Абдулла Тўқай кўчасида жойлашган ётоқхонасига бордим. Эртаси куни дўстим мени ҳозирги Миллий университетнинг қабул комиссияси жойлашган бинога бошлаб борди. Бахтга қарши ўша йили “журналистика” ихтисослиги бўйича рус гуруҳга талабалар қабул қилинар экан. Кейин билсак, бир йил ўзбек гуруҳига, бир йил эса рус гуруҳига талаба қабул қилиш тартиби бор экан. Шундан сўнг университетнинг “Филология” факультетига ҳужжат топширадиган бўлдим.

Қарасак, 12 июлда 1 ўринга 18 тадан абитуриент хужжат топширибди. Мени ваҳима босди. Бунинг устига мен ўрта мактабни тожик тилида битирганман. Аҳмаджон ака:

– Юринг, Пединститутга бориб кўрамиз, – деб мени Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтига бошлаб борди. Бу ерда аҳвол филжумла экан, хужжатларимни “Ўзбек тили ва адабиёти” факултетига топширдим. (Кейинчалик – “Тарих-филология” факултетига айлантирилди).

Мен Аҳмаджон ака ётоқхонасида яшаб, имтихонга жиддий тайёргарлик кўрдим. Натижада 6 та фандан “4”, “5” баҳолар олдим. Охирги имтихон “Рус тили” бўйича ёзма ишим “2” га баҳоланди. Хужжатларимни олиб “Совет Ўзбекистони” газетасига ишга таклиф қилаётувди редакцияга бораман, десам қабул комиссиясининг масъул котиби:

– Наманган вилоятига режа бўйича иккита ўрин ажратилган, сиз хужжатингизни олсангиз, планни бажаролмай гап эшитамиз. Ўзи вилоят бўйича 13 кишидан Низом Комилов билан сиз имтихонлардан мувафаккиятли ўтиб келгандинглар, “рус тилидан оғзаки синовдан ўтасиз” деб бир котиба билан бинонинг 4-қаватидаги 35-хонага йўллади. Кафедра мудири М.Р.Чиннова “Ёш лелинчи” газетасидан бир ахборотни рус тилига таржима қилдириб кўриб, “баҳо тўғри қўйилган, хатоларингиз жуда кўп” деди-да “Комсомолская Правда” газетасидан бир ахборотни ўзбек тилига таржима қилдириб кўриб “жуда яхши” деди-ю, варақамга “3” баҳо қўядиган бўлди. Мен гапга аралашиб:

– Устоз, “3” қўйманг, мен етим боламан, институтга кирсам ҳам талаблар ётоқхонасидан жой, ҳам стипендия олишим керак, – дедим йиғламсираб. У киши мендан рус тили қоидаларини сўрагандай бўлди-да, имтихон варақамга “4” қўйиб берди. Натижада мен институт талабаси бўлдим.

Беш йиллик ўқиш давомида дунёга машхур замон алломалари Яҳё Ғуломов, Аюб Ғуломов, Шопўлат Абдуллаев, Виктор Васильевич Решетов, Мазлума Аскарова, Мурод Шамс, Натан Маллаев, Саидзода Усмонов, доцентлар: Ҳаким Ҳомидий, Қудрат Аҳмедов, Шарифа Абдуллаевалардан сабоқ олиш бахтига муяссар бўлдим. Шахсиятларидан ибрат олдим.

Учинчи курсда ўқиётганимда бир умрга раҳнамойим Натан Маллаев таклифи билан “Совет педагоги” газетасининг корректурасини ўқиб бериб юрардим. Бу орада профессор Зухриддин Нуриддинов газета редактори этиб тайинландилар. Маъсул котибимиз Ҳасан ака Ҳайитов доим ширакайф юрарди. Баъзан кайф устида мен ўқиган саҳифаларни “ноғўғри тузатибсиз” деб чизиб ташларди. Бир куни ректоримиз Абдуллаев дарс жараёнида Хайриддин Салоҳга қараб:

– Хайриддин, Сиз шоирсиз. Қаторларингизда журналистикага қизиқадиганлар ҳам борми? Бўлса, институтнинг “Совет педагоги” газетасига маъсул котиб қилиб ишга оламин, – дедилар. Хайриддин “лик” этиб ўрнидан турди-да:

– Мана Ҳамиджон тайёр журналист, кунн кеча “Ёш ленинчи” газетасида Қўйликдаги бир мактаб директори ҳақида очерки ҳам чиқди, – деди.

– Жуда яхши, дарсдан кейин ўқув ишлари бўйича проректор Муҳаммад Галимович Давлатшинга учранг, суҳбатлашади. Маъқул кўрса, ишга оламин, – деди. Давлатшин уч ой олдин “Правда востока” газетасида менинг “Сто ошибок в одной книге” деб номланган мақоламнинг босилишига ёрдам бергандилар. Дарсдан кейин борсам, проректор “ариза ёзинг” дедилар. Ёздим, бир бурчагига “розиман” деб имзо чекиб бердилар-да:

– Ректорга олиб кириш, – дедилар.

Устоз ҳузурига кирдим. У киши аризага имзо чека туриб дедилар:

– Ана энди ҳам стипендия, ҳам маош оласиз. Мана бу битта кастюм иккита бўлади, деб қўшиб қўйдилар, эғнимдаги кастюмнинг этагини ушлаб. Устознинг гапларига фаришталар “омин” деган экан, шекилли, шу даргоҳда эллик олти йил ишладим. Шундан йигирма саккиз йил кафедра мудури бўлдим. Менинг инсон сифатида шаклланишим, олим бўлиб танилишимда Низомий чинакам ҳаёт дорилфунуни бўлган.

ҚАЙТИБ КЕЛСАНГИЗ, ИШГА ОЛМАЙМАН

Ўқишни тугатиб, ҳамон газетада масъул котиб, “Ўзбек адабиёти” кафедрасида соатбай ўқитувчи бўлиб ишлаб юрибман. Аммо фикр-у хаёлим мумтоз адабиёт бўйича аспирантурага кириш эди. Ўқув бўлимидан сўрасам, аспирантнинг бир ойлик стипендияси юз сўм бўлиши учун даъвогарнинг бир жойдан оладиган маоши юз сўмдан ошиқ бўлиши лозим экан. Менинг эса икки жойдан келадиган маошим бир юзи ўттиз етти сўм эди. Шунинг учун тўла ўқитувчилик вазифасига ўтказишни илтимос қилиб ректорга мурожаат қилдим:

– Давлашинга айтинг, ижтимоий йўналишдаги қайси кафедрада ўқитувчиликка бўш ўрин бўлса, ўтказишса, мен қарши эмасман, – деди раҳбаримиз. Институтнинг ўқув ишлари бўйича проректориға учрасам:

– Фақат “Умумий тилшунослик” кафедрасида битта ўқитувчилик ўрни бўш. Аммо мудир Саидзода сизни қабул қиладими, йўқми буни билмайман. Зеро, вазирликдан бир кишини юборишувди, рад этди, ректор бировни тавсия этувдилар, маъқул тушмади, – деди.

– Мени ўзлари ўқитганлар, сиз айтсангиз қабул қилсалар керак, – дедим умидворлик билан. У киши Саидзодага сим қоқиб деди:

– Шогирдингиз Ҳамиджон аспирантурага кириш учун кафедрага ўтиши лозим экан. Сиздаги бўш ўринга ўзингизнинг шогирдингизни олинг, – деди. Устоз “Хўп” деди, шекилли:

– Ҳозироқ боринг, ишга қабул қилади, – уқтирди проректор. Бордим, аризамга “розиман” деб имзо чекдилар-да қўшиб қўйдилар:

– Энди гап бундай: адабиёт тарихини кўясиз, шевашунос бўласиз. Тошкент шаҳар шеваси бўйича номзодлик, келажакда вилоят шевасининг лексикаси бўйича докторлик диссертациясини ёзасиз. Келаси йили кафедрамизга аспирантура учун битта ўрин беради.

Аризамни олиб ректорга бордим. Устоз имзони қўриб:

— Сандзодага қойил, биз икки кишини юборсак, қабул қилмай, ўз шогирдини олибди. Сизни табриклайман, — деди.

Шундай қилиб Олий даргоҳдаги тўла ўқитувчилик фаолиятим “Умумий тилшунослик” кафедрасида бошланди: шевашунослик ва форс тиллари бўйича амалий машғулотлар олиб бора бошладим. Бир ярим йил кутдим, аспирантурага ўрин берилмади. Иккинчи йили “Ўзбек адабиёти” кафедрасига аспирантура учун иккита ўрин келди. Кўнглимга қулғула тушди ва бир куни мудирга:

— Устоз, умр ўтиб боряпти, адабиётга хужжат топширсаммикан, — дедим кўрқа писа.

— Майли, топширинг, кира олсангиз, табриклайман. Қуласангиз, қайтиб ишга олмайман ва институтнинг бошқа кафедраларига ишга олдиртирмайман ҳам, — зарда билан гапни чўрт кесди.

Адабиёт бўйича икки ўринга тўққиз киши даъвогарлик қилдик. Ботирхон Акрам билан камина барча имтиҳонларни юқори баҳоларга топшириб, аспирантурага кирдик. Бир куни Саидзода домла йўлакда кўриб:

— Ишлар нима бўлди? — дедилар.

— Мандатдан ўтдим, — устоз дедим.

— Сизни табриклайман. Ишга жиддий киришинг. Муддатидан олдин ҳимоя қилишга интилинг. Институтда штат масаласини кўриб турибсиз, ниҳоятда тигиз, вақтида ҳимоя қилмасангиз, дарвозадан ташқарида қолиб кетишингиз турган гап, — дедилар.

Институт илмий кенгаши Ботирхон Ақромга замон алломаси, миллат фидойиси Ҳамид Султонни, менга эса Шарқ адабиётининг донишманди Натан Маллаевни раҳнамо этиб тасдиқлади.

ИЛМИЙ ИШДА ЕНГИЛ ЙЎЛ ҚИДИРМАНГ

Устозим Натан Муродович Маллаев “Шоҳнома”нинг бир ўзбекча таржимаси” муаммосиши номзодлик мавзуси қилиб бердилар. Мен дастхат хазиналардаги кўлёзмаларни кўриб

чиксам, асарнинг бир тугал, иккита номукаммал ўзбекча таржимаси мавжуд экан. Улардан Хомушийнинг “Шоҳномаи туркий”си тошбосма усулида 1903-1906-1909 йилларда уч марта нашр этилган. Унга уста Абдурахмон Себзорий зийнат берган, миниатуралар чизган. Шунча матнни аслият билан қиёсий ўрганиб, тавсифлаб, типологик жиҳатдан илмий таҳлиллаб чиқиш жуда мушкул иш туюлди менга. Бунинг устига Мирий “Рустам ва Сухроб”, Ҳасан Муҳаммад Хоразмийнинг “Сиёвуш” достони таъсирида ёзилган “Қиссаи Самироншоҳ”, “Шоҳномаи Шох Ҳижрон” каби қиёсга жалб этилиши лозим бўлган камёб манбалар ҳам аниқланган эди. Уларнинг ҳар бири ўзи бир илмий муаммо. Кунлардан бир кун илмий суҳбат жараёнида устозга нийманиброк шундай дедим:

Натан Муродович, “Шоҳнома”нинг ўзбекча таржималари бир нечта экан. Бунинг устига уларнинг айримлари тошбосмада бир неча бор нашр этилган. Шунча манбани ўқиб чиқишнинг ўзига бир неча кун вақти кетади. Бунинг устига араб ёзувадаги матнларни ўқишда машқим ҳам расо эмас. Менга бирон ихчамроқ мавзу берсангиз. “Тулистон”нинг Муродхўжа Домулло таржимасини ўргансаммикан? – дедим. Устоз ўзларига хос вазминлик билан:

– Мен сизни заҳматкаш йигит деб ўйловдим. Илмда енгил йўл қидириш хосиятли бўлмайди, изланишни давом эттиринг, – дедилар. Натижада ханузгача “Фирдавсий ва ўзбек адабиёти” муаммосининг давоми очиқ. Шогирдларимнинг баъзилари ҳам муаммонинг айрим жиҳатлари билан банд.

НОМЗОД БЎЛИШГА ШОШИЛИШ КЕРАК

Барча манбаларни кўриб чиққач, устозим Ленинградга олти ойга илмий сафарга рухсат олиб бердилар. Ленинград университетининг “Эрон филологияси” кафедрасида бўлдим. Устоз Александр Николаевич Болдиревнинг дарсларидан, суҳбатларидан, анжуман, семинар машғулотларидан файз

топдим. Номзодлик мавзуим хусусида суҳбатлашаётиб устоз шундай дедилар.

– “Шоҳнома”нинг ўзбекча таржималари” бу улкан мавзу. Сиз бунда чўкиб кетасиз. Мавзунинг тор олингда, таҳлилнинг чуқурлаштиринг. Ҳозирча “Рустам ва Сухроб” ҳамда “Бинжон ва Маннжа” дostonларининг қиёсий-типологияк таҳлилининг олсангиз бўлади. Келажакда “Фирдавсий ва ўзбек адабиёти” муаммоси бўйича докторлик ёзасиз, барча янги топган далилларингизни ишлатасиз. Бу мавзу ҳали келажакда шогирдларингизга ҳам етади. Номзодликни ёзишга шошилиш керак. Ҳар бир Олий ўқув юрти муаллими камида номзод бўлиш шарт. Ҳамма ҳам фан доктори бўла олмайди, – ўқтириб ўтдилар.

Шундан сўнг Эрмитаж, С.Шердин номидаги кутубхоналар заҳираларининг ўрганиб чиқиб, “Шоҳнома” нинг XIX асрда бажарилган шеърини таржимаси мусаввадасини (мутаржим дастхатини), хоразмлик шоир Толиб Толибийнинг “Даробнома” дostonини аниқладим. Афсуски, ушбу манбалар ҳамон ўз тадқиқотчиларининг кутмоқда. “Даробнома”нинг фото нусхасини шогирдим Тошмурод Бўриевга бериб эдим, у тадқиқ ҳам этмади, нашр ҳам қилмади. Жаҳоний эътироф соҳиби Болдиревнинг самимий ўғитлари мен учун умр бўйи дастурул амал бўлди. У киши бағри бутун, кенг камровли, шогирдлар учун жон фидо мураббийлардан эдилар.

САНЪАТШУНОС БЎЛИНГ

Ўзбекистон Фанлар академиясининг асосий кутубхонасида “Шоҳномаи туркий”нинг 1903 йилги нашрини мутолаа қилардим. Ёнимдаги столда нимадир ёзаётган ўттиз беш- қирқ ёшли аёл мендаги китобга кизиқиб қараб:

– Бу қанака қўлёзма экан? Бирга кўрсак майлими? – деб стулини менинг ёнимга яқинлаштирди.

– “Шоҳномаи туркий” нинг 1903 йилги нашри, – таъкидладим.

– Миниатуралари зўр чизилган экан, – деб бир неча суратнинг мазмун-моҳиятини сўради. Мен ҳар бир расмнинг мазмунини ихчам тарзда гапириб бердим.

– Сиз ўзи бу китобни нега титкилаяпсиз? Нима қилмоқчисиз? – яна саволга тутдилар ҳалиги хоним.

– Бу Фирдавсий “Шохнома”сининг ўзбекча насрий таржимаси. Мен Низомий номидаги пединситутнинг аспирантиман. Доцент Натан Муродович Маллаев раҳбарлигида шу таржима ҳақида номзодлик диссертациясини ёзмоқчиман, – тушунтира кетдим.

– Қўйинг бу мавзун, санъатшунос бўлинг. Таржимашунослар жуда кўп, миниатюрашунослар йўқ. Мен Пугаченковаман. Шу китобнинг зийнати ва сураглари ҳақида номзодлик, “Мухаммадмурод Самарқандийнинг ҳаёти ва ижоди” ҳақида (XVI аср охири. Бу киши “Шохнома”нинг бир қўлёзмасига 115та миниатюра чизган) докторлик диссертацияларини ёзасиз, етти-саккиз йил орасида санъатшунослик фанлари доктори бўласиз, олимчаю кўшимчасига биз кафил, – деди.

– Шундай қилиш мумкинмикан? Ўйлаб кўриб, эртага сизга аниқ фикр айтаман, – дедим ҳайрон бўлиб. Ўйга қайтиб бу фикрни аёлимга айтсам:

– Ундай қилманг-ей! – деди қатъий бир оҳангда. Обдон ўйлаб қарасам, устозимнинг юзига оёқ қўйиб кетолмас эканман. Эртаси куни Пугаченкова билан учрашдик.

– Миннатураларда акс этган воқеа, далилларни тушунтирганим, билганим билан бу нозик, мўъжаз санъатнинг сеҳрини илғаш қийин. Бунинг устига устоз Натан Муродович Маллаев бу мавзун менга қандайдир умид билан берган. Мен бундай қилолмас эканман, – дедим суҳбат давомида.

– Майлингиз, аммо сидқидилдан захмат чексангиз, таниқли миниатюрашунос бўлишингиз мумкин эди, – гапни чўрт кесди мусоҳибим.

Ана шунда Ўрта Осиё тасвирий санъатининг донишманди сиймоси менинг руҳиятимга нақш босган. У киши айтган икки муаммо ҳақида мақола ёздим-у, “Шохномаи туркий”нинг наққоши уста Абдурахмон Сабзарий, Мухаммадмурод Самарқандийларнинг ҳаёти ва ижодларининг тугал ўрганилиши ҳамон ўз тадқиқотчиларини кутмоқда.

6.09.2019

Сафардан қайтгач, диссертацияни ёзишга киришдим. Битган бўлим ва бобларни устозим пешма-пеш кўриб, олимчан кўшимчаларини киртиб бера бошладилар. Натижада илмий иш муддатидан олдин якунланиб, кафедра муҳокамасидан ўтди. Ва ниҳоят қўлёзмани йўлланма хат билан Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтига олиб бордим. Филология фанлар доктори, шевашунос Болта Жўраев хужжатларим билан танишиб чиккач, шундай деди:

– Ҳозир ҳамма бўлим ходимлари режадаги ишлар билан жиддий банд, ишингизни ўқиб муҳокама қилиб бера олмайди. Бунинг устига ҳадемай меҳнат таътили ҳам бошланиб кетади. Яхшиси сентябрда олиб келинг, – деди қатъий оҳангда.

– Қачон кўришса ҳам майли, қайтариб олиб кетмай, бирон бўлимга юборинг, – ялдим.

– Майли, “Магншунослик ва манбашунослик” бўлимига топширинг,– дея йўлланма хатнинг бир чеккасига “кўрсатма” ёзиб, имзо чекиб бердилар директор. Бўлимга борсам, замонамиз алломаси Ҳамид Сулаймон ўтирган эканлар. Хатни ўқиб кўргач:

– Э, адаш иш битдими, табриклайман, – дедилар.

– Сизнинг дуоларингиз, устозимнинг ёрдамлари билан тугади, – дедим:

– Бугун қайси кун адаш, – яна сўрадилар.

– Бугун чоршанба, устоз, – дедим.

– Ундай бўлса, келаси чоршанба куни тайёргарлигингизни кўриб келаверинг, диссертациянгизнинг муҳокамасини ўтказамиз, – дедилар.

Хурсандчилигимнинг чеки йўқ. Лекин бари бир ишонқирамай қайтдим. Айтган кунлари борсам, илмий ишимни беш киши ўқиб, жиддий муҳокама қилиб, очиқ ҳимояга тавсия қилишди.

– Бир айланиб, тушлик қилиб, соат учларда келсангиз, мажлис протоколини олиб кетасиз, – дедилар устоз.

Ҳақиқатдан ҳам соат учдан кейин борсам, йнгилиш баённомаси кўчирилиб, уч нусхада муҳрланган турарди.

– Устоз, мингдан-минг раҳмад, ишончингизни оқлашга ҳаракат қиламан, – дедим.

– Адаш, сизга ўхшаган садокатли шогирдлар кўпайса, устозлар қалами ерда қолмайди. Мендан Натан Муродовичга салом айтинг, – дедилар.

БИЗ ҲАМИША ШОГИРДЛАРНИ ЎЙЛАБ ЮРАМИЗ

Номзодлик диссертациясини ҳимоя қилганман. Қулоғим Московга динг. Кунлардан бир кун дарсларни тугатиб, энди йўлга тушаётсам, тарихшунос дўстим Абдуғофур Набиев учраб (Аллоҳ у кишининг охиратини обод қилган бўлсин) қаерга кетаётганимни сўради.

– Дарс тугади, уйга кетяпман, – уқтирдим.

– Устоз Яхё Ғуломов курортдан келган, юринг зиёрат қилиб қайтамиз, – дея таклиф қилди.

“Хўп” дея у кишига эргашдим. Биргаликда Нурободдаги тўққиз қаватли уйнинг учинчи қаватига чикиб, эшик тугмасини боссам, устоз эшикни очиб:

– Эҳ қойил, яхшиям келиб қолдинглар. Ош дамловдим, келинойингиз “мазам бўлмапти” деб хонасига кириб ётиб олди. Энди паловни ким билан ейман деб хунобим ошаётувди, – дедилар хурсанд бўлиб. Ошни сузиб келдилар, уччовлон бир лаганни пок-покиза туширдик. Узок чакчаклашиб ўтирдик. Бир вақт соатга қарасам етти бўлибди.

– Устоз, бизга рухсат берсангиз, мен Бешқайроғочда тураман, – дедим ялиниб.

Натижада дастурхонга фотиҳа ўқиб, кетишга изн бердилар. Ўрнимиздан туриб энди эшик тутқичини ушловдим, устоз:

– Ҳамиджон, тўхтанглар, сюрприз бор, сюрприз, – деб хоналарига кириб кетдилар. Бир дакикадан сўнг:

– Истироҳатдан кейин йўлда бирон шогирднинг иши тасдиқланган бўлса, дипломини олакетай, деб ВАКка кирувдим

(Ўша йиллари муаллим Фанлар академиясида бош илмий котиб эдилар), сизники тасдиқдан ўтган экан, деб гапириб чиқиб келиб “диплом кандидата наук” деган варақни узатдилар. Ҳангу-манг бўлиб, устозни кучоклаб, йиғлаб раҳмат десам,

– Биз қаерда юрсак ҳам шогирдларни ўйлаб юрамиз, – дедилар.

– Ҳа, айтмоқчи, бунинг чопони борми? – сўрадилар муаллим.

– Чопонини дўкондан сотиб оламиз, – дедим.

– Тўхтанглар, мен бир уйни қарай, деб бир ғилоф олиб чиқиб келдилар-у:

– Энди буниси пулли, – дедилар.

Чўнтагимдан уч сўм чиқазиб берсам хоналарига кириб икки сўм йиғирма тийин чиқариб:

– Ҳамиджон, ош қанақа бўлибди? – деб сўрадилар.

– Устоз расмона чойхона палов бўпти, ўзиям, – дедим хаяжон ичра.

– Йўқ, бу диплом оши бўлди, диплом оши Ҳамиджон, – таъкидладилар.

– Ҳа, Ўзбекистон археологларининг саркори, жаҳоний эътироф соҳиби академик Яхё Ғуломов шогирдига диплом оши пишириб берган. Кейин билсам, “Ҳамиджонни бошлаб кел, дипломини олиб келдим, ош пишириб тураман” деган эканлар Абдугофурга.

ХОВЛИ ЮСУФЖОНГА ҚОЛСА

1972 йил таътилда Косонсойга бориб ховлимизда Руқияжон опам билан суҳбатлашиб ўтирувдик, у киши томдан тараशा тушгандай изҳори ақида килдилар:

– Умр ҳам ўтиб борапти, ука. Шўртепа маҳалласидаги почтангизнинг ота меросини Ёқубжон эгаллади. Юсуфжон бир шўртумшук йиғит. Юқори идораларга ариза ёзиб, бир парча ер олиб манзил қуриш кўлидан келмайди. Муаллимчиликдан бошқа даромади йўқ. Сиз катта олим, пулингиз кўп (фан номзодини

улар пулдор, деб ўйлашади). Истаганингизда уй-жой сотиб олаверасиз. Шунинг учун бу ховлини жиянингиз Юсуфжонга берсангиз, – дедилар. Хайрон бўлиб, бироз донг қотиб қолдим. Кейин ўзимни қўлга олиб, сергакланиб:

– Сиз онамнинг ўрнига – она, отамнинг ўрнига ота бўласиз. Сиз шуни хоҳлайсизми? – ҳаяжон билан сўрадим.

– Ҳа, шундай бўлишини истайман, – қайта таъкидладилар опам.

– Ундай бўлса, қўлингизни кўтаринг: мана қиблага қараб айтяпман. Шу бугундан эътиборан бу ховли Юсуфжонга ўтди, – омин Аллоҳи акбар!

– Сизга мингдан минг раҳмат, укажон, – деб дуо қилдилар опам.

Орадан бир ҳафта ўтгач, косонсойлик дўстлар билан “Шаҳраб” сойбўйи чойхонасида чойхўрлик қилиб ўтирувдик, иттифоқо атлас фабрикасининг директори дўстим Абдулазиз Тошматов:

– Уйлар анча нураб кетибди, усталаримни берсам, яхшилаб бир суватиб, таъмирлатсангиз бўларкан, Ҳамиджон ака, – деди.

– Ҳовлини Юсуфжонга бердим, энди ўзи нима қилса қилар, – дедим.

– Бу қанақаси, ота-онадан қолган жойни ҳам жиянга берадими? Энди ўзингиз бу томонга келганингизда болалар билан қайга бош суқасиз? – хайрон бўлишди улар.

– Опам шуни истадилар, раъйларига қарши бора олмадим, – дедим.

Анча чакчаклашиб ўтирдик. Дастурхонга фотиҳа ўқиш олдидан Абдулазиз жамоага шундай мурожаат қилди.

– Азиз дўстлар, бу масалани шундай қолдириб бўлмайди. Ҳамиджон аканинг ўз юртида бир бошпанаси бўлиши керак. Хусайнхон ака билан Турсунхон акадан илтимос, эртага “Косон” савхозининг директори Аъзамжон Жафаровга кириб, тўрт сотих ер олиб беришсин, қурилишига биз қараб турмаймиз.

Ҳақиқатда ҳам, эртаси кун Турсунхон Муртазаев ва Хусайнхон Ғозиев билан бирга савхоз директори хузурига

бориб аҳволни тушунтирдик. У киши ер ўлчовчиси В.Садировга буюриб, “Гулистон” мавзеидан тўрт сотих ер ўлчатиб бердилар. Ҳозир ўғлим Жамшид яшаётган манзил, ана шу ерга қурилган ҳовли ҳисобланади. Дўстинг мингта бўлса ҳам оз, душманинг битта бўлса ҳам кўп, деганлари шу бўлса керак. Ўша дўстларнинг охиратларини Аллоҳ обод қилган бўлсин. Зероки, ҳазрат Навоий айтганларидек:

*Килки бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлагай,
Онча борқим Каъба вайрон бўлса, обод айлагай.*

МЕН ТАРАФКАШЛИКНИ ЁҚТИРАМАН

Ўтган асрнинг 90-йиллари бошларида машҳур тилшунос академик Ғанижон Абдурахмонов Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетига ректор бўлиб тайинланган эдилар. Ўша кезлари институтнинг “Ўзбек адабиёти” кафедраси мудирлиги лавозимига жой бўшаб, танлов эълон қилинган эди. Икки касбдошимиз танловда катнашиш ҳақида ариза беришганди. Кунлардан бир кун ректор ҳузурларига чақириб:

— Нега танловда иштирок этмиш ҳақида ариза бермадингиз? — дедилар.

— Сайловдан ўтишга кўзим етмади, муҳолифлар зўр, — дедим.

— Бекорни айтибсиз, сизнинг илмий ишингиз кўп, ҳозирок чиқиб ариза ёзинг, — деб буюрдилар. Илмий котиб ҳузурга бориб ариза ёзиб бердим. Ҳақиқатда ҳам, илмий кенгаш аъзолари менга юз фоиз овоз беришди. Эртаси куни бошлиғимиз ҳузурларига чорлаб:

— Ана, кафедра мудури ҳам бўлдингиз. Энди бир гап: ҳеч қачон кўл остингиздагиларга дўқ қилиб, бақириб гапирувчи бўлманг, ҳалим бўлишга интилинг, — деб танбех бердилар.

Устознинг ана шу пандларига амал қилиб, кафедрани роса 28 йил бошқардим. Мудирликнинг учинчи йили М.Жуманов, З.Одилова, шогирдим М.Жумабоев сингари ҳамкасбларим “порахўр”, “хотинбоз”, “дарс бермай маош олаяпти” деб

айб кўйиб устимдан Республика Олий кенгашига шикоят ёзишди. Махсус гуруҳ бир ҳафта давомида текширув ўтказди. Далилларнинг биронтаси тасдиқланмади. Тафтиш натижаси муҳокама қилинган факультет илмий кенгашининг мажлиси соҳирида менга сўз беришди.

— Мен энди учинчи йил мудир сифатида фаолият олиб бораётман, яна икки йилдан сўнг ваколатим тугайди. Ўшанда янги муҳлатга ариза бераманми, йўқми буни ўйлаб кўраман. Бу тухматчи дўстлар билан ҳозиргача бирга ишлаб келдик, яна бақамти меҳнат қилаверамиз, — дедим.

Комиссия раҳбари менга ташаккур изҳор этди. Орадан анча ўтгач, халғи шикоятномани ташкил этган касбдошим билан тушлик қилиб ўтирганда:

— Ўша аризани ёзиб бекор қилдинглар-да, қанча одам ишдан қолди, бир мунча асаббузарлик юз берди. Анави шогирдимнинг сизларга қўшилиб юрганига ўлайми? — дедим.

— Ҳа, ака, сизнинг ўрнингизда мен мудир бўлишим керак эди. Жамоа ўтказмади, алам қилди. Бунинг устига тарафқашликни ёқтираман. Бировнинг устидан ёзмасдан юролмайман. Буни биласиз-ку, — деса бўладими. Шундан кейин ҳеч ким кафедра мудирлигини “тортиб олишга” уриниб кўрмади. Олдин таъкидлаганимдек, бу вазифани кўп йил уддалаб юрдим.

НИЗОМИЙ ДИЛБАНДЛАРИ

Олдиндан Низомий номидаги педагогика университетини тугатган адибларнинг ҳаёти ва ижоди билан кизиқиб юрардим. Биргина курсдошларимиздан Хайриддин Салоҳ, Юсуф Шомансур, Ўктам Усмонов, Низом Камоловлар Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг аъзолари эдилар. “Ўзбек адабиёти” кафедраси мудирлигига танловдан ўтгач (1984) менда янада ишонч ортди. Бир куни “Ўзбекистон ёзувчилари” деган китобни варақлаб чиксам, 38 та адиб Пединститутнинг турли факультетларида таҳсил олишган экан. Уларнинг рўйхатини туздим-да, уюпма котиби, курсдошим Ўктам Усмоновдан

ўшаларнинг фотопортретларини тайёрлашда ёрдам беришини сўрадим. Дўстим рўйхатни назардан ўтказа туриб, “койил, Шотурсун ака ҳам бор эканлар”. — деди-ю уқтира кетди:

— Бу жиддий, катта иш. Уни шунчаки йўл-йўлакай бажариб, битказиб бўлмайди. Раис номига институт ректори имзоси билан расмий хат олиб келасиз, — деб рўйхатни қайтариб берди. Эртаси кун ректор номидан илтимоснома — хат олиб бордим. Биргаликда олим ва адиб, уюшма раиси Сарвар Азимов хузурига кирдик. У киши хатни ўкиб бош кимирлатиб, маъқулладиларда “Фото лабораторияга: рўйхатдаги ёзувчиларнинг портрети уюшма ҳисобидан тайёрланиб, ромкага солиб берилсин!” — деб ёзиб берди. Бир ой давомида суратлар тайёр бўлди, олиб келиб кафедра деворига тартиб билан илиб қўйдик.

Орадан бир неча йил ўтгач, янги ректоримиз, техника фанлари доктори, профессор, ўта меҳрибон инсон Баҳромжон Кодиров кафедрага кириб келдиларда, девордаги портретларга назарлари тушиб:

— Бу зўр иш бўлган экан-ку, энди буларнинг ҳақиқий суръатларини тасвирий санъат кафедрасидаги устоз Ғофур Абдурахмоновга чиздиринг, ҳақини институт тўлайди, — деди.

Камина портретларни тахлаб, соҳа пешқадами Абдурахмоновга элтиб бердим. Устоз бир неча ой давомида барча адиблар сиймоларини мойбўёқда чизиб бердилар. Келтириб йилларига кўра тартиб билан факультет йўлагига илиб қўйдик. Кунлардан бир кун янги ректоримиз Улуғбек Иноятов факультетимизга келганда ҳалиги суръатларни тамошо қила туриб:

— Домла, бу жуда хайрли иш бўлган экан. Энди бу адиблар ҳақида бир маълумотнома — тазкира яратиб, талабаларга тарқатиш керак. Уни қўлга олган ҳар бир студентнинг қалбида ифтихор туйғуси жўш урсин, — деди.

Шундан сўнг Низомийнинг ҳар хил факультетларини турли йилларда хатм этган шоир ва ёзувчиларнинг ҳаёти ҳамда ижодий бисотини ўрганишга жиддий киришиб кетдим: олимларимизнинг, улар ҳақидаги тадқиқотларини, “Ўзбек адиблари”, “Ўзбек

адабиёти” (маълумотнома), комусларини ўқиб адибларнинг тугал ижодий биографияларини яратишга интилдим; уларнинг аёллари, фарзандлари, ҳатто набиралари билан учрашдим, суҳбатлашдим. Ана шу жараёнда адиб Шотурсун Ғуломов ҳақидаги далилларим етарли бўлмади. Натижада дўстим, шоир Шукр Дадашдан бир ўғиллари Бирлик даҳасида туришини аниқлаб, қидириб бориб хонадонни топдим ва ёзувчи ҳақида кўшимча маълумотлардан намуналар олишга муваффақ бўлдим. Ана ўшанда адибнинг ўғли Ҳасёт Ғуломов мана бу воқеани гапириб берди:

– Раҳматли отам замонамизнинг буюк шоираси Зулфияхоним билан опа-укадай эдилар. Кўпинча дадам онам билан бизларни эргаштириб Зулфия опаникига олиб борардилар. Улар ҳам бизникига бот-бот келиб турардилар. 1985 йили январь ойида падари бузрукворим оламдан ўтиб қолдилар. Барча маъракалари ўтиб бўлгач, бир куни Зулфия опа ҳол-аҳвол сўраб, уйимизга келиб қолдилар. Бир оз суҳбатдан сўнг онамга қараб:

– Энди нима қилмоқчисиз? – деб сўраб қолдилар.

– Бирон фабрикага кириб ишларман ёки дўконга жойлашиб сотувчилик қиламан, – жавоб бердилар онахоним.

– Йўқ, сизнинг хонадонингиз зиёли хонадон, сиз ўқишингиз керак. Кейинчалик фарзандларингиз ана шу анъанани давом эттириши лозим. Туринг, аттестатингизни олиб чиқинг, ҳозир бир жойга борамиз, – дедилар Зулфия опа.

Онам аттестатни олиб келдилар, икковлашиб ховлидан чиқиб кетишди. Кейин ойижонимдан сўраб билсам, Зулфия опа тўғри уларни Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти ректори профессор Шопўлат Абдуллаев ҳузурига бошлаб олиб бориб:

– Сизнинг собиқ талабангиз, менинг укам ёзувчи Шотурсун Ғуломов оламдан ўтиб қолди. Бу келин беш бола билан бева қолди. Ўша гўдакларнинг ҳурмати учун шу синглимни ўқитиб беринг, – дебдилар.

– Зулфияхоним, бажонидил эди-ку, аммо институтнинг ҳамма бўлимларида қабул комиссиялари аллақачон ўз фаолиятини тўхтатиб бўлган, бунинг ҳеч ҳам иложи йўқ, – дебди ректор.

Кунлардан бир кун наشريётга борсам, ўн тўрт минг олти юз сўм гонорар беришди. Чошгоҳ пайти эди, пулни сўмкага солиб, тўтри устозим Натан Малласвникига бордим. Улар хурсанд бўлиб табриклашди. Шунда рахнамоёимнинг жуфти ҳалоли Саломатхон опа (Аллоҳ у кишини марҳаматига олган бўлсин):

– Ҳозир эски шаҳарга бориб, ховли сотиб олинглар. Бу пул уйга борса, Онахон чит-пит қилиб йўкотади. Ундан кўра ховлили бўлиб қолинглар, шу маъкул, – дедилар.

Натижада Ўрдага бориб, собик Максим Горкий кўчаси бўйлаб ховли кидиришга киришдик. Оқибатда марказий телеграфнинг шундай орқасидаги ўн тўртинчи тупикдаги икки хонали мўъжаз ховлини ўн уч минг сўмга сотиб олдик. Эртаси куни ижара уйдан ўз ховлимизга кўчиб бориб, ўз номимга расмийлаштириб, кайдлардан ҳам ўтиб олдик.

ҲАШАР

Шу орада бошимизга кетма-кет мусибат, ташвиш тушди. Бир ярим яшар ўғилчамиз Сухроб зотилжамдан вафот этди. Унинг ҳоки Минор кабристонида. Ёш келин-куёв мусофирликда фарзанд доғини тортдик. Бунинг устига ер қимирлаб, хонамиз кийшайиб қолди. Бошқалар қатори бизга ҳам Бешқайрағоч даҳасидан манзил қуриш учун ер ажратилди. Қурилиш учун бизда ҳеч вақо йўқ. Давлат томонидан берилган ёрдам газак ҳам бўлмади. Хоним институтни энди битказган, фарзанд доғида нимҳол. Мен ҳам аспирантман. Биз учун ўша кунларда “Ер қаттиқ-у, осмон баланд” эди. Хайриятҳамки, халқимизда меҳр-мурувват, оқибат деган удум бор.

Косонсойдан укам Абдуллажон билан божам Холхўжа ака “Участкани биз қуриб берамиз” деб келиб қолишди. Аспирантлар, талабалар ҳам мени қўллашди: улар бўлажак иморатнинг тахкурсиси– фундаментини, бетонини қуйиб беришди. Натижада укам билан божам бинони яшин тезлигида кўтаришди. Томсувоқ, лўмбозни ҳам талабалар ҳашар билан тугатишди. Синчлар оралиғи, деворини уришда шоир Барот Исроил билан мен тер

тўқдик. Хуллас, ёзги таътилга келиб бинонинг томини ёпиш бошланди. Аммо унга ўттизта шифер етмай қолди. Чўнтагимда пул билан бутун Тошкентдаги омборхоналар, қурилиш бозорларини айланиб чиқдим. Ҳеч қаерда битта ҳам шифер йўқ. Усталар тезроқ томни ёпиб, уйга қайтиши керак.

Бир куни факультет йўлагига турсам, устоз Зухриддин Нуритдинов келиб қолиб кўксидан:

– Ҳамиджон, участка нима бўлди, битдими? – сўраб қолдилар.

– Ҳа, битай деб қолди. Лекин томини ёпишга ўттизта шифер етмади. Бутун шаҳарни айланиб чиқдим, ҳеч қаерда йўқ, – дедим хўрсиниб.

– Институтнинг омборхонасида шифер бор, мен кўрганман. Ректорга киринг ёрдам берадилар, – таъкидладилар устоз.

Дарсдан кейин ректоримиз тарих фанлари доктори, профессор Шопўлат Абдуллаев хузурига кириб, арзи ҳол эгдим. У киши олдиларидаги телефон гўшагини кўтариб:

– Шапен, ҳамма ташкилотлар ер сўлкинишидан азият чеккан ходимларга ёрдам бермоқда. Бизнинг аспирант Ҳамиджон ҳам табиий офатдан жабр кўрган. Сен унга текинга ўттизта шифер ёзиб бер, машина ҳам бер, – деб бош ҳисобчига буюрдилар.

Ҳисобчининг олдига бордим. У шиферга қоғоз ёзиб, машинага ҳам йўлланма тайёрлаб берди. Омборхонага кирдим. Собир ака шиферларни машинага юклаттириб, “буниси сизга биздан ёрдам” деб устига бешта фанер ташлаб юборди. Ичимдан “бу дунёни шунақа яхшилар ушлаб турса керак” деган фикр ўтди.

Натижада жигарларим томни ёпиб, ҳалиги фанерларни бир уй шифтига тортиб-қоқиб беришди. Ўша хонага кўчдик. Ҳовлини гир айлантриб хом гишт билан Барот Исроил иккимиз уриб чиқдик. Ҳозир ўша ҳовлида ўғлим Назархуршед яшайди.

БАҒРИКЕНГЛИК

Хужжатларимни илмий кенгашга топшириб, навбат кутиб юрувдим. Бир куни институт илмий котиби, филология фанлар номзоди Босим Сойимов чакириб шундай деди:

– Уч кунда авторефератингизни чиқариб, тарқатсангиз, шу йил ҳимоя қиласиз, бўлмаса, ҳимоянгиз келаси йилга қолиб кетади.

Ҳайрон бўлдим. Зероки, у йилларнинг техникаси билан бунинг ҳеч ҳам иложи йўқ эди. Устозимга ҳам бормасдан, тўғри институтга йўл олдим. Кафедрага кириб борсам, доцент, машҳур таржимон Асилжон ака Рашидов ўтирган эканлар. Салом-алиқдан сўнг:

– Кайфиятингиз сўлғин. Ҳа, тинчликми ўзи? – сўраб қолдилар. Мен воқеани изҳор этдим. Бироз ўйланиб турдилар-да:

– Эртага соат тўққизда автореферат матни билан керакли ҳужжатларни олиб бирлашган нашриёт олдида мени кутинг, – дедилар.

Сахарлаб нашриёт олдига борсам, Асилжон ака мендан олдин келиб, кутиб турган эканлар. Биргаликда бионинг учинчи каватига – нашриёт директори Аким Барисович Мазор ҳузурига бордик. Директор Асилжон акани танигани учун бизни яхши пешвоз олди, самимий салом-алиқдан сўнг Асилжон ака авторефератнинг матнини кўрсатиб:

– Шу рефератни икки кунда чиқариш керак экан. Бу йигит Ҳамиджон, касбдошимиз. Шу кунларда авторефератни чиқариб борса, ҳимоя қилар экан, бўлмаса ҳимояси бир йилга суриларкан, – деди.

– Мен Ҳамиджонни биламан. Бунинг иложисини қиламиз, деб столдаги тугмачани босди. Чунки мен “Совет педагоги” газетасининг масъул котиби сифатида шу корхонада чоп эттирдим.

– Лаббай, Аким Барисович, – деб корхона бош инжинери Ислон Шоғуломов кириб келди.

– Мана бу авторефератни тайёрланглар ва эртага соат ўн иккига меннинг столим устида бўлсин, – деди катъий бир оҳангда раҳбар.

– Хўп бўлади, Аким Барисович, – деб матнни олиб чиқиб кетди муҳандис.

Икковимиз ҳам хайрлашиб, институтга қайтдик. Эртаси куни айтган пайтларида директор хузурига борсам, бошлик столида автореферат ўрокли холда турган экан. Олиб, тўғри академияга бориб кўрсатдим ва рўйхатдаги ташкилотларга: Олий ўқув юртлари, илмий муассасаларга тарқатиб, хотиржам қайтдим. Ана ўшанда мен Асил ака Рашидовнинг дўст учун жон фидо, бағрикенг инсон эканликларига яна бир бор ишонч ҳосил қилган эдим.

АЛБАТТА ЗИЁФАТ БЎЛАДИ

Ҳимоядан икки кун олдин тоғам Раҳмонберди икки яшик олма, анор олиб келиб қолдилар. Мен пул берадилар, деб ўйлувдим, жим. Устозимнинг уйларига бориб:

— Тоғам пул олиб келмадилар, индамадилар, дедим. Устоз аёлларига қараб:

— Саломатхон! Ҳамиджон ҳимоядан сўнг зиёфат бермайдими, тоғаси ҳеч нарса олиб келмабдилар, — дедилар.

— Нега зиёфат бўлмас экан, албатта бўлади. Мен китоблар орасига озгина пул яшириб қўювдим, — деб 350 сўм пулни олиб келиб бердилар-да қўшиб қўйдилар:

— Бунинститут ошхонасига — Ражаб акага элтиб беринг, зиёфатни яхшилаб уюштириб берсин!

Мен пулни олиб Ражаб ака хузурига бордим. У киши институт газетасида ишлаганим учун мени яхши танирди. Бош ҳисобчини чақирди-да:

— Бу йигит, ўзимизнинг аспирант, етим бола. Паст нархларда ҳисоб-китоб қилиб, зиёфатини яхшлаб ўтказиб беринглар, — буюрди.

МЕНГА СЎЗ БЕРИНГ

Ўзбек тили ва адабиёти институти хузуридаги ихтисослашган илмий кенгаш йиғилишида ҳимоя бошланди. Мендан олдин устоз Абу Бакр Ражабий “Усмон Носирнинг ҳаёти ва ижоди”

мавзусида номзодлик диссертациясини химоя қилдилар. Илмий иш химояси роса чўзилди – 7 киши сўзга чикиб, узок гапирди.

– Сиз ҳам 5-6 кишини сўзга чиқишини илтимос қилганмисиз? – сўраб қолдилар ёнимда ўтирган профессор Абдуқодир Ҳайитметов.

– Йўқ, ҳеч кимдан сўрамаганман, – жавоб бердим.

Навбат каминага келди. Ҳолатни ҳисобга олиб ёзганларимни ихчамлаштириб тез ўқиб эшиттирдим. Уч расмий ҳакамлар ҳам гапни мухтасар қилишди.

Навбат илмий иш муҳокамасига келганда раис уч маротаба:

– Ким гапиради? – деб залга мурожаат қилди.

Ҳеч ким “чурк” этмади. Ва ниҳоят, тўртинчи дафъа мурожаат этганда пойгак томондан:

– Менга сўз беринг! – деган овоз эшитилди.

“Ялт” этиб орқага қарасам, паст бўйли, бароккош, ёшига нисбатан қаримсиқ, кўримсизроқ бир устоз минбарга қараб тез борарди. Нотик ўн беш минут давомида диссертацияни жиддий таҳлил қилиб, бир неча халқ дostonларида “Шоҳнома” анъанаси, сюжет, образлари борлигини кўрсатиб, ишни юқори баҳоладилар. Натижада илмий кенгаш аъзолари диссертацияни қўллаб, 100% овоз беришди. Бу киши ўзбек фольклоршунослигининг асосчиси Ҳоди Зариф эдилар.

Мажлисдан сўнг институт ошхонасида 50-60 киши иштирокида куюк зиёфат бўлди. Халқ хофизи Ҳасан Ражабий базмга мумтоз кўшиқлар билан файз бағишлади. Бир етимнинг ишини Худонинг ўзи ана шундай ўнглаб юборди. Аллоҳимга шукур!

25.01.2020.

НОЗИНГНИ КЎТАРСА...

Янглишмасам 1974 йили Низомий номидаги Тошкент давлат Педагогика институтининг “Кутубхонашунослик” факултети асосида Тошкент давлат маданият институт ташкил этилди. Адабиётшунос доцентлардан Ортиқ Қаюмов, Ғайрат Жалолов ва мен ўша институтга ўтадиган бўлдик. Бу ҳақда ректоратнинг

қарори ҳам чиққан. Бир куни мен у институтга “ўтмайман” деб ариза ёзиб ректоримиз — устозим Зухриддин Нуриддиновга кирдим. У киши ўқув ишлари бўйича проректор Муҳаммаджон Саидамаговни чақириб қойиб кетдилар:

— Нега Ҳамиджоннинг хоҳишини ҳисобга олмай, буйруқ чиқаздинглар?

Устозим Натан Маллаев раҳнамолигида докторлик ёзаман, деяпти. Хом иш қилибсизлар. Бу масала бизнинг бошимизни қотирадиган бўлди. Сиз бораверинг, институт маъмурияти бир қарорга келгач, сизга етқазипади, — деб менга рухсат бердилар. Шу билан ўз жойимда қолиб кетдим. “Нозингни кўтарадиган одамнинг бўлса, ноз қилиб ол” деганлари шу бўлса керакда! Шундай қилиб Низомий Пединститутда 56 йил турли вазифаларда ишладим.

ДАРЁДИЛЛИК

Докторлик диссертациямнинг қўлёзмасини Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтининг “Ўзбек классик адабиёти” бўлимига топширганимга бир йилдан ошдики, ҳамон муҳокама қилиб, бир фикр айтишмади. Бораман-кетаман. Бир куни ўша институт йўлагига турсам, қўшни бўлимдаги бир ҳамкасбимиз:

— Ҳамиджон ака, ҳозир барча бўлим ходимлари банд, режадаги ишлар билан овора. Сизнинг диссертациянгизни ўқишга вақтлари йўқ. 2-3 киши билан гаплашиб, пул берсангиз, соғлиқ, уйқу ҳисобига ўқиб беришлари мумкин, — деди.

Ҳайрон бўлдимда эртасига бўлимга бориб мудир Абдулқодир Ҳайитметовга шундай дедим:

— Устоз! Менда пул йўқ. Агар пулим бўлганда диссертациямни ё Бакуга ёки Душанбега элтиб ҳимоя қилган бўлар эдим. Илтимос, ишимнинг муҳокамасини уюштириб беринг.

— Бу қанака аҳмокона гап. Ким сиздан пул сўради? — тутокиб кетди мудир.

– Ҳеч ким пул сўрамади. Қўшни бўлимдагилар ходимлар жуда банд, пул берсангиз уйку ҳисобидан ўқишадиган дейишди, – қўрка-писа уқтирдим.

– Индинга келинг, йиғинимиз бор, ўшанда гаплашамиз, – деб хоналаридан шитоб билан чиқиб кетдилар.

Айтган кунларида борсам, бўлимда йиғилиш бўлаётган экан. Мажлис тугагач, ичкарига кирдим. Устоз жамоага қараб:

– Ўртоқлар, Ҳамиджоннинг диссертацияси анчадан бери ётибди. Унинг муҳокамасини уюштириб беришимиз керак, ким ўқийди? – деб мурожаат қилдилар. Уч киши “Мен ўқийман” дейишди.

Натижада 10 кундан кейин илмий ишнинг муҳокамаси бўлди. А. Абдуғофуров, Ё. Исоқов, С. Эркинов, М. Мирзааҳмедова ва бошқалар сўзлаб, ишни яхши таҳлил қилишди. Аммо ишни ҳимояга тавсия этиш ёки этмасликка келганда ходимлар бир қарорга келолмай бошлари қотишди. Шунда мудир:

– Ўртоқлар, ортиқча тортишувни қўйинг, демократик тамойил жиҳатдан овозга қўяман, дедилар. 3\7 овоз билан илмий ишим ҳимояга тавсия этилди. Одатда бу даргоҳда докторлик диссертациялари дастлабки ўқишда ҳимояга тавсия қилинмас экан. Устознинг донишмандлиги, кенг феъллиги туфайли менинг ишим биринчи муҳоқамадаёқ тавсия этилди ва яна 6-8 ой сарсонгарчиликдан халос бўлдим.

26.01.2020

БУНДАЙ ФИКРНИ ЁЗИШ КЕРАК

Янглишмасам, 1987 йилнинг баҳор ойларида Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтида X-XII асрлар адабиётига бағишланган илмий конференция бўлди. Икки касбдошимиз ғазнавийлар даври адабиётини ҳақида маъруза қилди. Анжуман охиридаги музокарада бир манбашунос олим Султон Маҳмудни “илм-фан”, адабиёт қушандаси, маърифат душмани” деб қаттиқ танқид қилди, қоралади.

Мен ҳам музокарада сўзга чиқиб, “Азиз дўстлар, “Масъуд тарихи”, “Тарихи Яминий” ва бошқа манбаларда Султон Махмуд Ғазнавий мутлоқо бошқача талқин этилган-ку! Саройида 400дан ортиқ олим-у ижодкорларга паноҳ берган, Берунийни авайлаб, асраган, “Қуръони Карим” ни форсий тилда тафсир этиб. Нанда кўргони ҳокимининг сулҳ тузиш ҳақидаги номасига маснавийда жавоб қайтарган Султон қанақа қилиб маърифат душмани бўлади? Фирдавсийнинг “Султон Махмуд ҳақидаги ҳажви”си уюштирилган парса. Ҳаконий, Анварийларнинг тақдирини эсланг. Султон Махмуднинг Ҳиндистонга ғазавот уюштириб, халқни мусулмонлаштириб, зўравонлик қилгани тарихан маълум. Бундай бир ёклама, ноҳолис гапиравермаслик ксрак, — дедим. Ҳеч ким менга қарши чиқмадиям, қўллаб-қувватлашмади ҳам. Анжуман таркалиб, йўлакка чиққанда академик устоз Иззат Султон қўлтиғимдан ушлаб шундай дедилар:

– Фикрларингиз маъқул. Манбаларни аниқ айтиб бердингиз. Бунақа гапаларни каллада олиб юрмасдан ёзиш керак, матбуотда эълон қилиш зарур, китобларга киритиш лозим.

Шундан сўнг мен уйга келиб “Биринчи султон” деган илмий-бадний лавҳа ёзиб, “Совет Ўзбекистони” газетасига олиб бордим. Мақола бўлим бошлиғи шоир Жуманиёз Жабборовга маъқул тушди ва у газетада эълон қилинди. Кейинчалик Беруний, Фаробий, Фирдавсий, Фаррухий, Унсурийлар ҳақида ҳам лавҳалар ёзиб “Олис-якин юлдузлар” номи билан “Ёш гвардия” нашриётига топширдим ва у 75 минг нусхада чоп этилди. Ана шундай бир устознинг беғараз, тўғри йўл кўрсатувининг оқибати хайрли кечган. Китоб тўлдирилиб, турли номларда уч марта қайта нашр этилди.

28.01.2020

ПУЛ ҲАМ СЎРАМАЙМАН

Бир неча рисоаларим оммалашгач, негадир бирон китобимнинг рус тилида ҳам чоп этилишини жуда — жуда истаб юрдим. Бир куни бу муддаони кадрдон укам Зоҳиджонга изҳор

Дим. У мендан “Кўхна шарқ дарғалари”нинг бир нусхасини
ида:

– Буни ташкиллаштириш пайдан бўламиз, – деди.

Орадан бирон бир йил ўтгач, Зоҳиджон Содиков
ҳалиги китобнинг таржимасини кўтариб кириб келди.
Хурсандчилигимнинг чеки йўқ, бироз пул бердим. Негадир
матни бирон русийзабон муҳарирга кўрсатиб олгим келиб,
дўстим профессор Жамол Жалоловга мурожаат қилдим. У киши
Низомий номидаги Пединситут ректорининг ёрдамчиси Алишер
Миразизовга йўллади. Миразизов бир ой давомида кўлёзманинг
баъзи жойларини таҳрир этди. Уч йил давомида нашриётма-
нашриёт юрдим. Ҳамма ноширлар “15 миллион пул керак” ёки
“ҳомий топинг” деди. Менга ўхшаган қашшоқ профессорда пул
ҳам йўқ, хомий каёқдан бўлсин, деб кетавердим.

Охир-оқибатда “русийзабон ўқувчиларга Шарқ мутафак-
кирлари ҳақида ҳеч қандай китоб йўқ, шуни нашр этишга ёрдам
беринглар” деб давлат матбуот агентлигига боришга қарор
қилдим. Кунлардан бир кун кўлёзamani кўлтиқлаб агентликка
борсам, дарвозанинг олдида “Артфлекс” нашриётининг
директори Омадулло Ақромов турган экан.

– Ҳа, дамулло, йўл бўлсин! – деб сўраб қолди.

– Агентликка китобимни нашр этишга ёрдам беринглар деб
кирмоқчиман, – дедим.

– Бир дақиқага менинг идорамга қирайлик, – деб биринчи
каватдаги корхонасига бошлаб кирди ва кўлимдаги матни
олиб, варақлаб кўрди-да :

– Ака, бу китобни мен нашр этаман. Аммо пул ҳам
сўрамайман, пул ҳам бермайман, – деди қатъий бир оҳангда.

– Майли, менга китобим чикса бўлди, – дедим хурсандлик
билан. Натижада кўлёзamani муҳарирга берди. У билан баъзи
бир ном, сўз, ибораларнинг ёзилишини келишиб олдиқ, айрим
шеърларнинг таржимасини аслиятига солиштириб кўрадиган

— сарамиз, — дес
— и Востока” минг нусхада нашр
— Р хам эълон қилинди. Бир миллион
— Буни мен элимнинг назарида юрганимнинг шарофа
— им.

12.11.2020

ЎҚИГАНЛАР ОТА-БОЛА ЭКАН, ДЕЙИШСИН

— Ҳамзодлик диссертациямни химоя қилгач, республика газета
— Ҳурналларида кўплаб мақолаларим чика бошлади. “Ленин
— Ҳий” газетасининг бош муҳаррири Сухроб ака Йўлдошевнинг
— Ҳутмаси билан Шарқнинг буюк алломалари ҳақида туркум
— Ҳий-адабий лавҳаларим эълон қилинди. Айрим мақолаларда
— Ҳозим доцент Ҳакимжон Ҳомидий билан ҳамкорлик қилардик.
— Ҳилология фанлари доктори, профессор Усмонжон Каримовнинг
— ҲХVI аср тожик адабиёти” деган монографияси қўлимга тушиб
— Ҳолди. Ўқиб чиқсам, фундаментал моҳиятдаги ушбу китобнинг
— Ҳолтмиш бетини “Бобур ва тожик адабиёти” боби эгаллаб турибди.
— Ҳурсандчилигимдан уч бетлик тақриз ёзиб, фикрларини олиб
— Ҳаммуаллифлик қилиш мақсадида устоз Ҳомидийга кўрсатдим.

У киши ёзганларимни назардан ўтказдилар-да:

— Ўз шеваларида “балам” тақриз яхши ёзилмабди, кечқуру
уйга келинг бошқатдан ёзамиз, — дедилар.

Шундан кейин Себзор даҳасидаги ховлиларига борди
Келиноийи қовурдоқ пиширган эканлар, бирга едик, чойлашди
Сўнг устоз менинг матним билан ўз ёзганларини қўлга ол
хонада юриб айтиб турдилар, мен ёздим. Бир сандра “чи
қилиб, баъзи ўринларни тузатдик, кўшимчалар киритдик.

— Ана энди эпокага келди, элтиб машинкада кўчирт
эртага мен соат иккига бориб қўл қўйиб бераман, — дедилар

Мен эртасига матнни кўчиртириб, тайёрлаб
Муаллим жиддий ўқиб чиқдилар-да:

– Яхши мақола-тақриз бўлибди. “Ўқитувчилар” газетасига олиб боринг. Ўқиганлар ота-бола экан дейишсин, – деб менинг фамилиямни ҳам “Ҳомидий” тарзида ўзгартириб бердилар. Тақриз газетада эълон қилинди. 1989 йили мени Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасига аъзо қилиб қабул қилишмоқчи бўлишди. Анкетани тўлдираётсам “тахаллуси” деган жойи ҳам бор экан. Мен “Ҳомидий” деб ёзиб қўйдим. Ана шундай, бир томондан, муаллимимнинг менга меҳрибончиликлари, иккинчи томондан эса раҳнамойимга бўлган садоқатим туфайли “Ҳомидий” бўлиб юрибман.

16.11.2020

ГУББАХ

Отам кулоқ қилиниб, ховлимиз мусодара этилиб, барча мулкимиз, уй анжомлари “кимошди” савдосига қўйилиб, сотилиб, хомталаш қилингандан сўнг биз тор кўчамиз бошидаги Йўлдош амманинг бир хоналаридан паноҳ топдик. Отамни олиб кетиб, ҳамма нарсадан маҳрум этилганимиз изтироби онамни тўшакка михлаб қўйди. Янгам Шаҳрибону ордоб (ёғсиз атала) пишириб берардилар. Эрталаб ўқишга борардим, тушда онамга қараб бўлгач, Жар қишлоғига бориб, молларга ўт олиб келаман, ўтин тайёрлайман.

Кунлардан бир кун Телман номидаги мактабимиз этагидаги омборхонани буза бошлашди. Бинонинг икки томони узун пахса девор билан ўраб олинган эди. Военкомимиз (ҳарбий билим ўқитувчиси) Эргаш Авазметовга вайронани гувала-ю тошлардан тозалаш топширилган экан. Дарсдан кейин ўқитувчимиз 5-“В” синф ўқувчиларини линейкага жамлаб, барча гувала ташиши лозимлигини эълон қилди.

– Онам касал, мен унга ордоб ичиришим керак. Дарсдан кейин қололмайман. Яна уйдаги молларимиз оч, гап эшитаман, деб жавоб сўрадим. Лекин доим ҳарбийча темир интизом ўрнатиб юрган ўқитувчимиз менинг илтимосимни писанд қилмай, сен

“кулоквачча” ишдан қасддан бўйин товлаяпсан, деб жавоб бермади.

Эртаси кун и дарсга келсам линейкадан чиқариб юбориб, “сен губбах қилинасан” деб синифимиз полидаги қопқокни кўтариб, ертўлага туширди-да, эшикни шарақлатиб ёпиб, кулфлаб қўйди. Дарс тугаб, окшом ҳам бўлибдики, мендан дарак йўқ. Онаизорим тоғамни чақиртириб, унга нима бўлди экан, деб йиғлабдилар. Тоғам мактабга бориб, қоравулдан сўрабдилар, у елкасини қисибди. Мактабнинг шундай биқинида синфдошим Самадхон яшарди. Тоғам уларникига кириб сўрабдилар:

– Ҳамиджон ҳашардан қочгани учун синфимиз ертўласига “губбах” қилинган, – деб бирга йўлга тушибди. Бизда интизомсиз ўқувчиларни ертўлага қамаб жазолашни “губбах” дердилар. Бир вақт тақир-тукур овоз эшитилди. Мактаб қоровули қопқокни очиб:

– Ҳамиджон, чиқ тоғанг келдилар, – деди. Юқорига кўтарилсам, Самадхон билан тоғам турардилар. Хўрлигим келиб, бағирларига отилдим. Ана шундай: бир томондан, ўзимнинг ўжарлигим, иккинчи томондан устоз Авазметовнинг жоҳиллиги-ю шафқатсизлиги туфайли бир кеча “губбах” қилинганман.

06.06.2021

Мундарижа

1. Муқаддима.....	3
2. Заҳмат манзиллари.....	4
3. Жасорат.....	5
4. Матонат.....	7
5. Хосилали йиллар.....	11
6. Меҳрибонлик.....	16
7. Қардошхалқлар адабиёти билимдони.....	19
8. Натан Маллаев ҳикматлари.....	23
9. Хотима.....	25
10. Тиканакли пиллапоялар.....	27

Адабий-маърифий нашр

**ҲАМИДЖОН ҲОМИДИЙ
МУМИНЖОН СУЛАЙМОНОВ**

МАТОНАТ

*Муҳаррир Г. Ахмедова
Дизайнер А. Султонов
Компьютерда саҳифаловчи Э. Комилова*

«KAFOLAT PRINT COMPANY» МЧЖ нашриёти.
Нашриёт лиц. AI № 0003, 27.03.2019 йил

Босишга рухсат этилди 20.04.2022 й. Бичими 60x84 1/16.
Офсет босма усулида офсет қоғозига босилди. Босма табағи 4,0.
Адади 200 нусха. Буюртма 74.
Баҳоси келишилган нархда.

«PERFEKT PRINT SERVICE» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент ш., Истирохат кўчаси, 12 -уй. Тел.; 90 321-43-31

ISBN 978-9943-7962-8-7



9 789943 796287